

## ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ТОМОРҚАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 апрель куни коронавирус пандемиясига қарши курашишда жойлардаги ишлар натижадорлиги таҳлили ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишнинг муҳим манбаи бўлган томорқачиликни ривожлантиришга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан коронавирус тарқалишини чеклаш, унинг аҳоли ҳаёти ва мамлакат иқтисодига салбий таъсирини камайтиришга қаратилган қатор муҳим қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Республика махсус комиссияси тузилиб, эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳоли соғлигини ҳимоя қилиш, карантин режимида жорий этиш бўйича кенг қамровли ишлар йўлга қўйилди.

Тиббиёт муассасаларини шай ҳолга келтириш ва қўшимча қувватлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Зангиота туманида 10 минг ўринга мўлжалланган махсус шифохона жадал суръатларда қуриляпти. Юқори Чирчиқ туманида эса 10 минг кишилик махсус карантин зонаси қурилиб, ўз ишини бошлади. Бу ерда яна қўшимча 10 минг ўринга мўлжалланган карантин зонаси қурилиши бошланиб, 15 майгача топширилади.

Йиғилишда таъкидлаганидек, пандемия шароитида сўнгги бир ой ичида ҳорижий давлатлардан 20 та чартер рейс орқали 6 минг, темир йўл ва чегара постлари орқали 10 минг нафар юрtdош-шимиз олиб келинди. Уларнинг барчаси 160 та манзилга жойлаштирилиб, карантинга олинди.

Тажрибали шифокор-профессорлардан иборат махсус штаб тузилиб, ҳар бир беморни даволашда 24 соатлик

онлайн маслаҳат бериш йўлга қўйилди. Хитой ва Жанубий Корейдан вирусологлар таклиф қилинди. Россия, Германия, Япония, Туркия каби давлатлар мутахассислари билан ҳам доимий телемедицина алоқалари ўрнатилган.

— Энг муҳими, халқимиз юзага келган вазиятни тўғри баҳолаб, ўз хизмат вазифаларини масофадан туриб бажармоқда, шифокорлар тавсияси ва карантин тартиб-қоидаларига қатъий амал қилиб, ўзларининг маданияти, онги ва интизомини билан барчага ўрнак бўлмоқда. Ўқувчи ва талабаларимиз онлайн дарс ва машғулотлар орқали таълим олишда давом этмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Одамларни озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон ва тиббиёт воситалари билан узлуксиз таъминлаш тизими самарали йўлга қўйилган. Шунингдек, саховатли ва олижаноб юрtdошларимиз томонидан кўрсатилган беғараз хайрия ёрдамлари манзилли равишда аҳолининг тегишли қатламларига ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Президентимизнинг қайд этишича, қисқа муддатда фуқароларимиз, давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан “Ўзбекистон Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамғармасига 50 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ўтказилгани — элимизнинг маънавий хавф-хатарга қарши елкама-елка курашишга тайёр эканининг ёрқин исботи.

— Мана шундай оғир синов дамида кўп миллатли халқимиз саросима ва ваҳимага тушмасдан, аксинча, четдан келган бу балонинг тезроқ ўтиб кетишига, ҳадемай яхши кунлар келишига ишониб, ўзининг мустақкам иродаси, меҳр-оқибати ва ҳамжиҳатлигини яна бир бор намойён этмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Худудларда миришкор деҳқон ва фермерларимиз баҳорнинг ҳар бир кунини ғанимат билиб, яхши ният ва эртанги кунга ишонч билан қишлоқ хўжалиги ишларини бошлаб юбордилар.

Стратегик аҳамиятга эга бўлган санат корхоналарида, муҳим қурилиш майдонларида иш кундалик режа асосида, карантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда ташкил этилмоқда.

— Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда ҳаёт барқарор суръатда давом этмоқда. Энг асосийси, кўраётган тезкор чораларимиз минг-минглаб юрtdошларимиз, айниқса, шифокорларнинг фидойи хизмати, ўз бурчида садоқати туфайли ўзининг ижобий натижасини бермоқда, — деди Президентимиз.

Лекин, мисли кўрилмаган даражада тарғибот ишларига қарамай, уйда даволанган ва оғир ҳолатда ётқизилган 40 яшар бемор кеча оламдан ўтди.

Марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирар экан, давлатимиз раҳбари яна бир бор барчани оғоҳликка чакирди. “Қасаллик аломатини сездингизми, дарҳол шифокорга мурожаат қилинг. Такрор айтаман, қасалликнинг оиламизга кириб келмаслиги, ўзимиз ва яқинларимизни ушбу иллатдан сақлаб қолиш, энг аввало, ўзимизга боғлиқ!”

▶ Давоми 2-бетда

### Томорқа — хонадон хазинаси



## МЎЪЖАЗ ЕРГА МЕҲР БЕРСАК, МЎЪЖИЗА ЯРАЛАДИ

Абдурауф ҚОРЖОВОВ

Президентимиз раислигида куни кеча бўлиб ўтган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, томорқачиликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилган видеоселектор йиғилишида томорқаларда 2-3 марта ҳосил олиниб, битта оила 8-10 сотихли экин майдонидан ўртача 50-60 миллион сўм, баъзилар эса 100 миллион сўм даромад қилаётганлиги эътироф этилиб, ҳамма жойда ишни шундай ташкил этиш ва ва қўшимча ҳосил олиш биринчи даражали вазифа бўлиши кераклиги таъкидланди.

Томорқадан юқори ҳосил ва даромад олаётган омишкор инсонлар тажрибасини кенг жорий қилиш кераклиги айтилди. Ҳақиқатан, томорқа юртимизнинг мўъжаз гўшаси. Ана шу мўъжаз жой, том маънода айтганда, мўъжиза яратишга имкон берувчи масканга айланган. Чунки бунинг учун сўғорилмайдиган унумдор ерлар ажратилган. Бундай майдонларда эса, йил-ўн икки ой мобайнида деҳқончилик қилиш мумкин. Табиийки, шунга яраша олинадиган ҳосили ҳам, топадиган даромади ҳам юқори. Наманган вилояти Норин туманининг “Бойовул” маҳалласидаги Маҳмудовлар хонадонини, унинг соҳиби Валижон акани узоқ-яқиндагилар омишкор деҳқон сифатида яхши билишади.

▶ Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИГА МУРОЖААТИ

Азиз миришкор деҳқонлар ва томорқа ер эгалари!

Айни пайтда бутун жаҳонни коронавирус пандемияси қаттиқ хавотир ва ташвишга солиб турибди. Кейинги йилларда дунё ҳамжамияти билан чуқур интеграцияга киришиб, жадал суръатларда ривожланиб бораётган Ўзбекистонимиз ҳам бу офатдан четда қолиши мумкин эмасди.

Барчамизга маълумки, муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқирозга қарши курашиш, бутун дунё халқлари қаторида юртимиз аҳолисини ҳам ташвишга солаётган бу офатдан ўзимизни, оиламиз ва маҳалламизни сақлаш учун қатъий чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Ушбу масала юзасидан давлатимиз раҳбарининг кейинги йиғирма кун мобайнида халқимизга уч марта мурожаат билан чиққанлари ҳам шундан далолат беради.

Коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқирозга қарши курашиш шароитида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича шу йил 3 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида муҳтарам Президентимиз эл-юртимизга яна бир марта мурожаат этди. Чин юракдан изҳор этилган ушбу самимий ва таъсирчан мурожаат барча халқимиз қатори фермер, деҳқон ва томорқа ер эгаларига ҳам жуда катта руҳий далда бўлди.

Муҳтарам Президентимиз ҳаммамиз янада жипслашиб, сабр-мадонатли бўлиш билан бирга, юксак тафаккур, қатъий интизом ва улкан

масъулият кўрсатишимиз лозимлигини таъкидлади.

Видеоселектор йиғилишида деҳқончилик юмушлари қизгин паллага кирган шу ғанимат кунларда фермер ва томорқачиларимизга ҳам тетик ва бардам бўлиб, тушкунликка тушмасдан, айниқса, керакли тиббий қоидаларга қатъий амал қилган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишларини изчил давом эттириш бўйича зарур маслаҳат ва йўл-йўриқлар берилди. Зотан, карантиндан кейин ҳам ҳаёт давом этишини, албатта, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Халқимизнинг бирламчи турмуш эҳтиёжларини таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришда аграр соҳанинг ғоят муҳимлиги кундан-кунга равшан. Юзага келган инқироз чуқурлашиб кетмаслиги учун ҳам бодеҳқонларимиз айна кунларда ҳар бир лаҳзани ғанимат билишлари жоиз.

Сиз, азиз деҳқонлар етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини халқимиз дастурхонига етказиб, бозорларимизда нарх-навонинг ўринсиз ошиб кетишининг олдини олишни таъминлаш энг асосий вазифамиз эканини унутмаслигимиз зарур. Бу борада миришкор деҳқонларимиз томонидан бугунги кунга қадар бажарилган ишлар таҳсинга сазовордир.

Мавжуд нуқулайликларга қарама-масдан маҳсулотларингизни халқимизга етказиб бериш учун аҳоли яшаш пунктларида кўчма савдо дўконлари, кичик савдо ярмаркалари ташкил қилинмоқда.

Азиз юрtdошлар, мамлакатимизга четдан кириб келган коронавир-ус пандемияси мисли кўрилмаган

ташвишларни келтириб чиқараётган бир пайтда, томорқаларимизда етиштирилаётган мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан халқимиз фаровонлигини, дастурхони тўқинлигини, бозорларимиздаги арзончиликни таъминлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Барчани бу муқаддас бурчимизни виждонан адо этишга чақирамиз!

Юртимизнинг барча худудидо меҳнатидан барака топаётган тажрибали деҳқонлар кўп. Томорқа ҳар бир оиланинг бамисоли хазина манбаи. Айни вақтда мамлакатимизда сизлар — 4,5 миллиондан ортиқ деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаси 435 минг гектар унумдор экин майдонидо меҳнат қилмоқдасиз.

Серхосил еримиз, даромад олишга томорқамиз бор экан, доимо ундан унумли фойдаланиш, хонадонларимизни обод, яшаш шароитимизни муносиб ҳолатга келтириш учун ҳаракат қилайлик. Бундай амалий ибрат асосида улғайган фарзандларимиз ҳам яхши яшашга интилиб, ўз келажаги учун астойдил меҳнат қилади.

Маълумки, деҳқончиликда баҳорнинг бир кунини йилга татийди. Кўпни кўрган, омишкор деҳқонларимиз мана шундай ҳал қилувчи паллада қандай юмушларни бажариш зарурлигини жуда яхши билади. Табиат инжиқликлари билан курашларда тобланган тажрибали деҳқонларимиз вужудга келган вазиятни тўғри қабул қилган ҳолда, ҳар бир дақиқани ғанимат билиб, ундан унумли фойдаланадилар, деб ишонамиз.

▶ Давоми 2-бетда

### Муносабат

## МАЛАКАЛИ КАДРЛАР — ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

Мақсуда ВОРИСОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг  
Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари  
қўмитаси раиси ўринбосари

Аҳоли саломатлигини асраш, соғлом ва узоқ умр кўриш кўрсаткичини ошириш, жамиятни изчил тараққий эттиришда замонавий тиббиётнинг ўрни беқиёс. Коронавирус пандемиясига қарши қизгин кураш кечаётган шу кунларда бу янада ёрқин намойён бўлмоқда. Инфекцияни жиловлash жараёнида фидойи шифокорларнинг инсон саломатлигини ҳимоя қилишдаги ўрни яққол сезилаётган. Айтиш керакки, соғлиқни сақлаш тизимининг мамлакат ривожига шундай муҳим ўрни инобатга олиниб, юртимизда кейинги йилларда бу йўналишда узлуксиз ислохотлар амалга оширилмоқда. Охириги уч йил ичида соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида 180 дан зиёд ҳужжат қабул қилинди.



▶ Давоми 3-бетда

### Дилдаги гап

## ЯРАТИЛАЁТГАН ШАРОИТЛАР ҲУНАРМАНДЛАР УЧУН КАТТА ИМКОНИАТДИР



Давлатимиз раҳбари 3 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳунармандларга ва “Ҳунарманд” уюшмаси фаолиятига алоҳида эътибор қаратиб:

“Мамлакатимизда 28 мингдан зиёд ҳунарманд фаолият кўрсатмоқда. Уларга ўтган йили 50 миллион доллар маблағ ажратилди, 12,5 мингта лойиҳа доирасида ҳунармандлар 75 мингдан ортиқ янги шогирдлар тайёрлади. Ушбу соҳа учун бу йил яна 50 миллион доллар маблағ йўналтирилмоқда. Яратилаётган бундай шароитлар ҳунармандлар учун катта имкониятдир. Ҳурматли ҳунармандлар! Сизларнинг меҳнатингиз янги-янги ташаббусларингиз ҳозирги вақтда аҳоли бандлигини таъминлашга, албатта муносиб ҳисса қўшади”, деб таъкидладилар.

▶ Давоми 3-бетда

## ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ТОМОРҚАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Бошланиши 1-бетда

Афсуски, карантин ва санитария-гиена талабларига бефарқ қараётган шахслар ҳам йўқ эмас. Масалан, ўтган даврда карантин қоидаларининг 47 мингга яқин бузилиш ҳолатлари кузатирилган. Жумладан, 34 минг ниқоб тақмаслик, 11 минг автотранспортда карантинга риоя қилмаслик ҳолатлари аниқланиб, жарималар қўлланган. Ҳаттоки, 24 та ҳолатда юзлаб одамларни тўплаб, зиёфат ва маросимлар ўтказилгани аниқланган.

— Бутун дунёнинг бошига тушган бу мураккаб синовдан биз, Худо хоҳласа, янада кучли бўлиб, бир-биримизга меҳриямиз янада зиёда бўлиб, албатта, ёруғ юз билан ўтиб оламиз. Фақат тартиб-интизомга қатъий риоя қилиб, ўринсиз ваҳимага тушмасак, тушкунликка берилмасак, марра бизники бўлади.

Бу вақтинчалик қийинчилик ва муаммолар, албатта, ўтиб кетади. Пок ниятли, дину диёнатли, сабр-бардошли, олижаноб халқимиз билан ҳали кўп яхши кунларни кўрамиз, кўп тўй-томоша ва тантаналарни биргаликда нишонлаймиз, олдимишга қўйган мақсадларимизга албатта етамиз, — деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев.

Коронавирус пандемияси дунё мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлиги борасидаги сиёсат ва чора-тадбирлар етарли эмаслигини яққол кўрсатди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички талабни тўлиқ таъминлаш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ошириш учун катта резерв ва имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Бунинг учун барча фермер ва деҳқонлар, кластерлар карантин қоидаларига амал қилган ҳолда ўз даласида, аҳоли эса томорқасида баҳорги экиш ишларини давом эттириши керак. Акс ҳолда, ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш қийин бўлиши ҳаммага аён.

Шу боис, охириги йилларда аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш бўйича қатор қарорлар қабул қилинди, айрим қонунларга ўзгартиришлар киритилди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, унинг ҳудудий бўлинмалари, маҳалла фуқаролар йиғинларида томорқа билан шуғулланадиган алоҳида ўринбосар лавозими жорий этилди.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари

ташқил қилинди. Аҳолига уруғлик ва кўчат етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш бўйича 244 та "Томорқа хизмати" корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Томорқада янги лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бюджетидан 350 миллиард сўм ажратилиб, Фермерлар кенгаши ҳузурида жамғарма ташқил этилди.

Бир сўз билан айтганда, аҳолига кўмаклашадиган, моддий ресурслар етказиб берадиган ва молиялаштирадиган янги тизим яратилди.

Видеоселектор йиғилишида ушбу тизимдан самарали фойдаланиб, томорқаларда маҳсулдорликни ошириш бўйича қўшимча вазифалар белгиланди.

Томорқадан юқори ҳосил ва даромад олаётган омилкор инсонлар тажрибасини кенг жорий қилиш кераклиги айтилди. Мисол учун, Асака, Олтинқўл, Наманган, Уйчи, Ангор, Жарқўрғон, Китоб, Тойлоқ, Самарқанд, Янгийўл, Зангиота, Олтиарик, Кува каби туманлардаги аксарият томорқаларда 2-3 марта ҳосил олинди, битта оила 8-10 сотихли экин майдонидан ўртача 50-60 миллион сўм, баъзилар эса 100 миллион сўм даромад қияпти.

Бироқ ҳамма жойда ҳам бундай эмас. Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм, Бухоро, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида томорқаларга экин экиш ишлари яқунланмагани алоҳида таъкидланди.

Мутасаддиларга бундай хонадонлар билан бирма-бир ишлаб, томорқа майдонларига бозорбоп экинлар экилишини ташқил қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Президентимиз бу йилги мураккаб вазиятни ҳисобга олиб, барча томорқаларда 2-3 марта экин экиш ва қўшимча ҳосил олиш биринчи даражали вазифа бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Хонадонларда ихчам иссиқхоналар қуриш ҳам муҳим. Бугунги кунда томорқаларда жами 4 минг гектар энгил конструкцияли иссиқхоналар мавжуд бўлиб, уларда йилга уч марта ҳосил олишни йўлга қўйиш мумкин.

Лекин қўллаб-қувватлаш бўйича масалага етарлича эътибор берилмаётгани қайд этилди. "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида ҳар бир сектор ҳудудида камида 100 тадан хонадонда 1-1,5 сотихли иссиқхоналар ташқил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Томорқа ободлиги, албатта, сувга боғлиқ. Утган йили жойларда 233 та қудуқ қазилиб, 4,5 мингдан ортиқ хонадоннинг сув таъминоти яхшиланган эди. Ҳозирда эса Жондор, Шофиркон, Бахмал, Фориш,

Фузор, Чироқчи, Нурота, Қўшработ, Ургут, Ховос, Бекобод, Ёзёвон, Қўшқўпир каби туманларнинг аксарият қишлоқларида сув таъминоти оғир бўлиб қолмоқда.

Шу боис Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига ҳоқимлар билан биргаликда сув таъминоти яхши бўлмаган маҳаллаларда артезиан қудуқлар қазиб, ҳосилдорликни ошириш вазифаси қўйилди.

Қишлоқ хўжалигида вақтинча фойдаланилмаётган ерларни ўзлаштириб, кам таъминланган оилаларни банд қилиш бўйича тизим яхши самара бермоқда. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида бу борада 31 та кооператив ташқил этилиб, 1 минг 600 нафар ишсиз фуқаро бандлиги таъминланди. Бундай кооперативлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги жамғармадан 50 миллиард сўм ажратилган.

Йиғилишда бу тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам жорий қилиб, камбағалликни ва ишсизликни камайитириш бўйича топшириқлар берилди.

Кооперативга аъзо бўлган ишсиз фуқароларга Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги жамғармасидан маҳсулот етиштириш харажатлари учун 24 миллион сўм субсидия ажратилади. Кам таъминланган, қаровчиси бўлмаган оилаларга мевали кўчатлар, сабзавот уруғлари ва бошқа моддий ресурслар етказиб берилади.

Томорқаларда етиштирилган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорга етказиб бериш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Ҳозирги синовли даврда томорқа ерларига экин экмаслик, қаровсиз ташлаб қўйиш юртга ва ерга нисбатан хиёнат деб баҳоланиши керак. Шунинг учун томорқадан самарали фойдаланимаётган хонадон эгалари расман огоҳлантирилиши, ундан кейин ҳам экин экимаганларга ер солиғи оширилган ставкада қўлланилиши маълум қилинди.

Бу борада мутасадди раҳбарларга тегишли ҳужжатни қабул қилиш топширилди. Томорқалар ҳолатини дронлар орқали мониторинг қилиш ҳамда улардан унумли фойдаланиш учун ҳар бир сектор кесимида зарур чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди раҳбарлар ва ҳоқимлар ахборот берди.

ЎзА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХўЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ДЕҲҚОН ХўЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИГА МУРОЖААТИ

Бошланиши 1-бетда

Ҳозирги синовли даврда ерга экин экмаслик, томорқа майдонларини қаровсиз қолдириш она заминимизга нисбатан хиёнат, деб баҳоланади.

**Хурматли томорқа ер эгалари, миришкор деҳқонлар!**

**Биринчидан**, айни кунларда ўз ҳовлимиз, томорқаларимизни тартибга келтиришимиз жуда муҳим. Мевали дарахтларга, экинларга зиён етказадиган турли зараркундаларга қарши ишлов бериши ўз вақтида бажаринг;

**иккинчидан**, апрель ойининг қулай об-ҳавосида қисқа муддатларда **бир қарич ҳам еримизни бўш қолдирмай**, сабзавот, полиз ва дуккакли экинлар уруғини қаданг;

**учинчидан**, ҳозирги мураккаб шароитда томорқадан олинмаётган ҳосилни **икки марта қўлайитириш учун астойдил ишлайлик**, тўқсонбости ва эртаги экинлардан бўшайдиган томорқа ерларига **май-июнь ойларида** тақрорий сабзавот, полиз, картошка ва бошқа озуқа экинларини экайлик. Ўз эҳтиёжимиздан ортиган қисмини халқимиз дастурхонига ва экспортга етказиб берайлик. Бу ишимиз билан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдек олижаноб ишга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз;

**тўртинчидан**, томорқа қўшимча даромад манбаи эканини доимо ёдда сақлаган ҳолда, ундан **уч марта ҳосил олишга интилайлик**, бунинг учун ҳар бир хонадонда ихчам иссиқхона қуриб, намунали томорқачи ва илгор деҳқонлар тажриба мактабини ўзлаштирайлик. Жойлардаги кенгашларимиз сиздан ёрдамни аямасди. Кенгашимиз ҳузуридаги жамғармадан имтиёзли кредитлар ҳам ажратиб қўзда тутилган.

Унумдор еримиз ва серкўёш юртимизда ўз томорқасига эга бўлган юртдошларимизнинг камбағал яшاشи халқимизнинг меҳнатсеварлик ва ишбилармонлик фазилатига ярашмайди.

**Хурматли маҳалладошлар ва ҳамқишлоқлар, "Бир маҳалла — бир маҳсулот"** тамойилига амал қилиб, маҳаллаларимизни муайян турдаги маҳсулот етиштиришга ихтисослаштирсак, қилган меҳнатимиздан юқори даромад олишга замин яратилади.

Чунки маҳалла миқёсида бир хил маҳсулотнинг етиштирилиши унинг йирик бозорларга чиқарилишида логистика нуктаи назардан қўлайликлар яратилиши эсдан чиқармаслигимиз керак. Шундай экан, маҳалла оқсоқоллари ва устоз деҳқонларнинг маслаҳатларига амал қилиб, бир ёқадан бош чиқариб, бу жараёнда фаол иштирок этэйлик. Маҳаллада кам таъминланган оилаларнинг ўз томорқаларида деҳқончилик билан шуғулланиб, ўзларини тиклаб олишига баҳоли қудрат ёрдам берайлик.

Ўзбекистон Республикаси  
маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш  
вазирлиги

Ўзбекистон фермер,  
деҳқон хўжаликлари ва томорқа  
ер эгалари кенгаши

### Томорқа — хонадон хазинаси

# МЎҲАЗ ЭРГА МЕҲР БЕРСАК, МЎҲЖИЗА ЯРАЛАДИ



Бошланиши 1-бетда

Оила аъзоларининг томорқадан самарали фойдаланишидаги тажрибаси катта ва шунга қарамай, улар доимо изланишда. Масалан, иссиқхонада турли хил кўчатлар бир-бирига пайванд қилиниб, битта шохда апельсин, бошқасида мандарин етиштириляпти.

Аслида кўчатчилик ҳам оиланинг яна бир қўшимча даромад манбаи. Ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш, оқилона парвариш тўғрисида ниҳоллар гурқираб ўсяпти. Бундан ташқари, асаларичилик ҳам оиланинг сеvimли юмушларидан бири.

Валижон Маҳмудовнинг айтишича, томорқасидаги иссиқхонани уч сотих ерда бошлашган,

ниҳол қаламчалари парваришланади. Янги экилган ниҳоллар парваришланаётган иссиқхонамишда эса, помидор, бодринг, кўчатлар бир неча марта ҳосил беради. Даромад ҳам шунга яраша бўляпти. Утган йили 240 миллион сўм фойда олди.

Маҳалламиздаги 540 хонадондан 80 фоизининг томорқасида иссиқхона бор. Лимон ва бошқа цитрус мевалар етиштирилади. Кўчатларнинг аксариятини биз парваришлаб берганмиз. Ҳозир қўшнилари кўли уста бобонга айланган, кўчат етиштириш ҳадисини олган. Улар ҳам биз каби турли сабзавотлар экишади. Икки-уч марта ҳосил олиб, аввало, оиласини таъминлайди, қолганини сотишади. Дастурхони ҳам тўқин, бозорлар расталари ҳам.

Ҳақиқатан шундай, маҳалладаги оилаларнинг барча аъзолари, фарзандлар, набиралар ҳам иш билан банд, ўз фаолиятдан, топаётган даромадидан мамнун.

Ана шундай фикрларни Янгийўл тумани "Гулбоғ" маҳалласидаги Абдуғофир Рўзमतовлар хонадони ҳақида ҳам айтиш мумкин. Тўрт сотих томорқадан илгарилари сабзавот ва кўчат етиштирилган бўлса, эндиликда улар ўрнини гуллар эгаллаган. Чунки манзарали дизайнерлик уларнинг асосий фаолиятига айланган. Талабга яраша тақлиф, излаган имкон топади. Иссиқхонадаги ва ҳовлидаги ўнлаб турдаги гулларни кўриб эса, баҳри дилингиз очилиб кетади.

Оиладаги меҳнат тақсимида тўққиз ёшга қадам қўйган невараси Бегойимнинг, катта фарзанди Сардорнинг ҳам ўз ўрни бор. Гул парвариши билан келини Нигорахон шуғулланса, уларни сотиш юмушлари Абдуғофир аканинг зиммасида. Оиланинг бюджетини йилдан йилга мустаҳкамлаиб борапти. Ҳисоб-китобларига қараганда, йилига камида 20 миллион сўмдан соф фойда олинади.

Рўзгор бут, хонадон файзли, фарзанду неваралар ҳар жиҳатдан камол топяпти. Нигорахоннинг айтишича, ерга ва гулга меҳр сабогини онасидан ўрганган. 22 невага ва 30 га яқин

чеваранинг бувиси Қумри опа шу маҳаллада, улардан бир кўча нарида туради.

Қумри опа саксон билан юзлашганига қарамай, томорқаданги юмушларга баҳолиқудрат қарашади. Унда сара гуллар билан бир қаторда кўчатлар етиштирилади. Умуман, маҳаллада яшовчи аксарият оилалар томорқадан самарали фойдаланиб келади.

Низбозчиликларнинг кўкат ва резавор етиштириш бўйича тажрибаларини наинки юртимизда, шу билан бирга қатор мамлакатларда ҳам яхши билишади. Чунки, бу маҳсулотлар яқин-йироққа экспорт қилинади.

Ҳар бир хонадоннинг томорқадан унумли фойдаланиши, аввало, ўша оиланинг дастурхони тўқин, иқтисодий аҳволи яхшиланиб,

турмуши фаровон бўлишида қўшимча манба ҳисобланади. Қолаверса, томорқадан меҳнат қилиш оила аъзоларининг ўзаро аҳиллигига, меҳр-оқибатли бўлишига, шу орқали оила мустаҳкамлигига асос яратади.

Агар эътибор қилган бўлсангиз, томорқадан оқилона фойдаланаётган хонадонлардаги уйлар ўзининг кўраклиги, файзу баракиси, рўзгорининг доимо бутлиги билан ҳам ажралиб туради.

Мамлакат озиқ-овқат тўқинлиги ва хавфсизлигини таъминлашда томорқанинг ҳиссаси катта. Айни кезде томорқа ривожига кўрсатилган эътибор ва моддий кўмак ҳар қачонгидан юқори. Демак, томорқанинг самарадорлигию даромади ҳам шунга яраша бўлиши зарур.



Дилдаги гап

# ЯРАТИЛАЁТГАН ШАРОИТЛАР ҲУНАРМАНДЛАР УЧУН КАТТА ИМКОНИАТДИР

Бошланиши 1-бетда



Улуғбек АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси “Ҳунарманд” уюшмаси раиси

Савдо-саноат палатаси, “Ҳунарманд” уюшмасига тижорат банклари билан биргаликда бу йил ҳунармандчилик лойиҳалари учун ажратилган 50 миллион доллар кредит маблағларининг эгаларига тўлиқ етиб боришни таъминлаш вазифаси қўйилди. Давлатимиз раҳбарининг видеоселекторда синовли даврда ҳам тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга доир кўрсатмалари, тармоқни янада қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича берган тавсиялари мамлакатимизнинг барча ҳудудда тадбиркорлик ва ҳунармандчиликнинг кенг қулоч ёйишига хизмат қилади. Бу эса оилаларга даромад, қўт-барака олиб киради, ҳунар орқасидан оила тебратаятганлар ўз маҳсулоти билан юртимизнинг довуғини юксалтиради.

Чунки бунинг учун кенг имконият, етарли асос бор. Ҳунармандчилик ривожига қаратилаётган эътибор туфайли аҳоли, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлашда мазкур соҳа ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Худудларда жами 59 та ҳунармандлик бозори ва марказлар барпо этилиши кўзда тутилган бўлиб, бугунги кунда 33 таси фойдаланишга топширилди ва 12 тасида қурилиш ишлари олиб борилаётганда, қолган 14 та объект бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, жорий йилда ишга туширилиши режалаштирилган.

Навоий вилояти Нурота туманидаги каштачилик,

Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги қўллоқлик маркази шулар жумласига киради. Бунга 134,4 миллиард сўм маблағ инвестиция сифатида йўналтирилди. Шунингдек, худудлардаги 144 та ҳунармандлик бозоридан 2 600 та раста ўрнатилиб, 3 000 нафар ҳунарманд фаолият олиб бормоқда. Расталар қурилиши учун 21 миллиард сўм маблағ сарфланди.

2020-2021 йилларда ҳунармандчиликни ривожлантириш стратегияси учун 80,6 миллиард сўм йўналтирилиши кўзда тутилмоқда. Бунинг натижасида 50 мингта янги иш ўрни яратилади. Миллий каталогга 160 нафар ҳамда туризм реестрига 680 нафар ҳунарманд киритилди. 2020 йилда экспорт ҳажми 15 миллион долларга етказиш режалаштирилмоқда.

2019 йилнинг сентябрь ойида Қўқон шаҳрида биринчи бор ўтказилган Халқаро ҳунармандчилик фестивалида 5 та кўтга, 80 та мамлакатдан 5 минг нафар ҳунарманд, соҳа мутахассислари ва меҳмонлар иштирок этди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳунармандлар ишлаб чиқараётган буюмлар ва товарлар (ишлар, хизматлар) йўналишлари — 34 та. Улар тайёрланган маҳсулотлар сифати, бадий юксаклиги, миллий ўзгирлиги, тарихий анъаналаримизни ўзида уйғунлаштирилган билан аҳамиятлидир.

Юртимиздаги тарихий қадимжолар ва бошқа диққатга сазовор гўшаларга келаятган чет эллик сайёҳлар ҳунармандларимиз оддий қўл меҳнати би-

лан яратган мўъжизалар қаршисида лол қолаётгани бизни қувонтиради. Бу маҳсулотлар Ўзбекистоннинг ташриф қозонган ва туризм брендига айланди.

Халқимизда ҳунар орқали эл-юртга наф келтириш қадрият даражасига кўтарилган. Ҳунармандчиликнинг у ёки бу тури оилаларнинг асосий машғулотига айланиши натижасида моҳир ҳунармандлар сулоалари вужудга келган, ўзига хос мактаблар шаклланди.

Шу кунларда барча қатори ҳунармандларимиз ҳам жиддий синовларни бошдан кечиришига тўғри келмоқда. Асосий савдо жойлари, туристик маршрутларда жойлашганини инобатга олсак, бунинг таъсири қанчалик катта эканлигини англаб етамиз. Аммо буларнинг ҳеч бири ҳунармандларимизга ўз маҳсулотларини, халқ амалий санъати намуналарини, юксак янги асарларини яратишга тўқинлик қилолмайди. Қўли гул бу инсонлар синовли даврда ҳам намуна бўлишлари, ва халқимиз билан бирга ушбу кунларни енгишига ишонамиз. Чунки ҳунармандчилик фаолияти бевосита уйда, оилада, фарзандларни жалб этган ҳолда амалга оширилади.

Айни кунларда ҳунармандчиликни янада ривожлантириш бўйича “Ҳунармандчилик фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси тайёрланмоқда. Бу қонун билан ҳунармандларимизнинг жамиятдаги мавқеи яна бир қарра юксалишига, ҳаёти янада фаровон бўлишига ишончим комил.



Мунаввара УСМОНОВА, “Саодат” журнали бош муҳаррири

Президентимиз 3 апрель куни коронавирусга қарши кураш бўйича бўлиб ўтган йиғилишда халққа мурожаат қилиб, ҳар бир фуқародан ўзини эҳтиёт қилишни сўради. Мамлакатда эпидемиологик вазиятни жиловлаш, аҳоли саломатлигини ҳар томонлама ҳимоя қилиш учун барча чоралар қўрилатганини таъкидлади. Шунингдек, давлатимиз раҳбари айтиб беришга асосан давлатимизда бўлган ҳар бир вазиятда раҳбарлар ўзига хос намуна кўрсатиб, ҳар бир фуқарога ҳамжўрлик кўрсатишда ташаббус кўрсатишлари виждон амри бўлиши лозимлигини қайд этди.

Нафақат айтиб бериш вазиятда, балки шу кунимизда ҳам давлатимиз томонидан кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга, ногиронлиги борларга жуда катта эътибор қаратиб келинди. Хизмат сафарни юзасидан вилоятларда бўлганимизда не-не юрдошларимиз ҳаёти ўзгариб бораётганига кўл бора гувоҳ бўлганимиз. Масалан, қўш урса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган Ёзёвон чўлпаридан истиқомат қилаётган хотин-қизларнинг фақатгина далада офтоб тигида меҳнат қилмай, эндиликда замонавий тикувчилик цехларида ишлаётганини кўриб жуда хурсанд бўлганимиз. Фақатгина исми синглимизнинг ҳам ушбу цехга ишга олингани, фарзандлари ҳам унинг боғчасида тарбияланаётгани ва шу йилнинг ўзида мазкур оила янги уй билан таъминланганини қандай қувонч билан сўзлаб берганини бир эшитсангиз эди...

Сўнги уч йил ичида республикамиздаги барча вилоятларда ёлғиз аёлга оиласини боқиб қўлаб кўмак бериш, фарзандларининг замонавий боғча ва мактабларда тарбия олишини таъминлаш, ногиронлар ва кекса ёшдаги юрдошларимиз ҳолидан хабар олиш, уларнинг муаммолари ва ташвишларига ечим топиш каби хайрли ишлар тизимли асосда йўлга қўйилганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Сўнги йиллардаги ислохотларнинг барчаси инсон манфаатларига қаратилаётгани, уларнинг широрларда эмас, амалда ўз натижаларини бераётгани, ҳозирги оғир дамларда давлатимиз

## САБРНИНГ МУКОФОТИ ЗАФАРГА ЕТАКЛАЙДИ

Ҳаётда ҳар бир инсон ўз яшаш тарзи, армону орзулари билан ўзини дунё бағридаги бир оламдек ҳис қилади. “Менинг оилам, менинг фикрим, менинг бугуним, келажаким”, деб гапирди. Аслида одамларнинг савб-ҳаракатларини ҳам, кечинмаларини ҳам у истиқомат қилаётган жамият бошқаради, яъни ҳар шахс ўй-хаёллари, қувонч-изтироблари билан даврию замонасининг жонли бир қисмидир. Шундай экан, бугун замондошларимиз қалбидagi уйғоқликка интилиш, тинчликка шукроналик, меҳнатга муҳаббат, яратишга иштиёқ ҳам яшаётган кунларимиздаги ўзгаришлар билан боғлиқ.

раҳбарининг мана шундай одилона, инсонпарварлик сиёсати юртимизда коронавирус тарқалишининг олдини олиш, унинг оқибатларини бартараф этишда асосий роль ўйнаётгани жазон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Дарҳақиқат, эл бошига синовли кунлар тушди. Ота боласидан, фарзанд ота-онаси ҳолидан хабар олиш, қадрдон инсонининг бағринга босиб дийдорлашиш, тўй-ҳашамларда дўст қорига яраб, камарбаста бўлиш ҳам катта хатар туғдиришмоқда. Юртга, бутун дунёга келган бу имтиҳондан ўтиб олишимиз учун биз бардам ва ҳамжихат бўлишимиз керак. Айни пайтда халқимизнинг буқилмас иродаси, эртанги кунга бўлган қатъий ишончи ўз аксини топиб турибди. Ҳар бир инсон, ҳар бир оила эътиборда бўлиши учун олиб борилаётган ишларни кўриб, инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун қўйилаётган ана шундай юртда яшаётганидан гурурланиб кетасан киши. Масалан, Махалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурдаги Хайрияларни мувофиқлаштириш марказида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Ушбу марказ томонидан фаолиятнинг дастлабки кунийёқ Тошкент шаҳри бўйича манзилли рўйхат асосида аҳоли учун зарур бўлган бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари юк ташиш учун мўлжалланган 30 та автоулов билан жами 9 106 та хонадонга етказиб берилди. Бу жараёнда ногиронлар, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга катта эътибор қаратилаётгани жуда муҳимдир.

Куни кеча интернетда япония-элик таниқли олим, ёзувчи, саёхатчи Акио Каватонинг журналистларга берган интервьюсини ўқидим. “Уша маҳаллар халқ ўзини вақтинча еб-ичишдан, кийиниш, кўнгил очишдан, валютани четга чиқармаслик мақсадида саёхатдан ҳам чеклаган. Бир сўз билан айтганда, миллат Японияни тиклаш, оёққа турғазини йўлида бирлашди”, дейди у Иккинчи жаҳон урушидан сўнги йилларни хотирлаб.

Бундай фидокорлик бизга бегонами? Йўқ, асло! Фашизмга қарши жанглар жадаллаб бораётган

пайтда момоларимиз қўл қовуштириб ўтирмаган, далага чиқиб меҳнат қилган, ҳатто сандигидаги мерос зеб-зийнатгача “аскарлар учун”, деб бериб юборган. Узи юпун либосда қолса ҳам пахталик камзулини фронтга жўнатган.

Зангиота туманидаги “Чувалачи” маҳалласида истиқомат қиладиган юз ёшдан ошган Махбуба ая биз билан суҳбатда ўша даврларни хотирлаб, бундай деди:

— Ранж-қулфат тортмаган, бошидан қийинчиликларни ўтказмаган одам бугунгидай тўқчилик, тинч замоннинг қадрига етиши қийин. Оч қолганда тупроқни ялаган, ўт илдизини шимиб кетмон чопган, чопонимизга ой ёруғида ямок солиб кийган кунларимиз бўлган. Яқинимиз оламдан ўтса, ураб-чирмаб кўмгани бир парча эски мато тополмаган кунларда, Алпомишдек ёрларимиз ёвнинг тупроғида қолиб, юрагимиз қон-зардобга тўлган кезларда шундай ёруғ, фаровон замонларни кўриш тушимизга кирмаган. У даврда еганимиз зогора нол, кўрганимиз қулфат эди. Уйимизда сизиримиз бўлгани учун коса кўтариб келган муҳтожларнинг кети узилмас, иложи борича қуруқ қўл билан қайтармасликка ҳаракат қилардик. Қаҳатчилик одамларнинг жони-жонидан ўтиб кетган, ҳали у, ҳали бу ҳовлидан йғи овози эшитиларди. Бир ҳовуч кепак тополмай, қўкат қовуриб еб кун кўриб юрганлар кўчаларда очликдан ййқилиб қоларди...

Катта Фаргона каналини ҳашар йўли билан 45 кунда бунёд этган, миллатнинг ўзлигини намоён этгани учун мардлик, ватанпарварлик тимсоли бўлган достонини минг йил ёлқасида опичлаб юрган мардонга эл бу.

Бугун бизга ватанпарварликнинг энг осон ва энг мақбул қўриниши — уйда қолишимиз тавсия этиляптими, уйда қолайлик. Қулбами, қасрми, бошимизда уйимиз бор. Фархўрлик қилиб, тинчимиз, фаровонлигимизни уйлаб Президентимиз кунни тунга улаб заҳмат чекаётган шу синовли кунларда биз ҳам қанот бўлайлик. Биз учун тинчидан кечиб меҳнат қилаётган фидойи юрдошларимиз, замонамиз қаҳромонларини дуо қилиб, уйда қолайлик!

Муносабат

# МАЛАКАЛИ КАДРЛАР — ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ



Бошланиши 1-бетда

Тиббиётнинг бирламчи бўғинидан тортиб ихтисослашган тиббий хизматгача бўлган тизимда жадал ислохотлар амалга оширилди. Бунинг натижасида соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник салоҳияти мустаҳкамланди. Тиббий-профилактика, диагностика ва даволаш борасида улкан ютуқларга эришилмоқда. Санитария-эпидемиология хизматини жаҳон андозалари даражасига кўтариш бўйича муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасини модернизациялаш бўйича узоқни кўзлаб амалга оширилган ана шундай муҳим ислохотлар натижасида бугунги синовли дамларда тиббиётимиз пандемияга қарши курашда муҳим натижаларга эришмоқда. Касалликни аниқлаш ва даволаш ишлари жаҳон андозалари даражасида ташкил этилмоқда. Бугунги кунгача коронавирус инфекцияси билан касалланган уттиз нафар бемор шифо топиб, тиббий реабилитацияга олинди. Тиббиётимизнинг бу ютуқларини янада мустаҳкамлаш мақсадида хориждан замонавий тест ва химоя воситалари келтирилди. Пойтахтимизда ва Тошкент вилоятида юқумли касалликларни даволаш бўйича замонавий шифохоналар ва карантин ҳудудлари барпо этиляпти.

Президентимизнинг шу йил 7 апрелда қабул қилинган “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тиббиётимизнинг бу ютуқларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

### ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ТАҚЧИЛЛИГИ КАМАЯДИ

Мамлакатимизнинг чекка ҳудуди, айниқса, қишлоқ жойлардаги тиббиёт муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш соғлиқни сақлаш тизимида ечимини кутаётган долзарб вазифалардан бири. Мазкур қарорда энди қабул қилувари давлат гранти асосида туман ва шаҳарлар кесимида шакллантирилиши белгилангани айтиб мўлдир бўлди. Хусусан, келгуси ўқув йилидан бошлаб бакалавриятнинг қатор йўналишларига қабул ҳудудларнинг шифокорларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб амалга оширилади.

Битирувчиларнинг яшаш бўйича рўйхатга олинган жойидан қатъи назар, қабул квотасида курсатилган туман ёки шаҳарда камидан 5 йил ишлаш мажбуриятининг киритилиши ва истисно ҳолатлар рўйхати белгилангани кўзбўямачиликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Бундан ташқари, врачларга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар учун келгуси ўқув йилида бакалаврият ва магистратурага давлат гранти асосида ўқишга қабул параметрлари 50 фоизга оширилиши кадрларнинг тақчиллигини бартараф этишга имкон яратди.

### МАЛАКА ОШИРИШДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази этиб қайта ташкил қилиниши тиббиёт ходимларининг касбий маҳоратини оширишга янгича ёндашувдан далолатдир.

Бундан ташқари, тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасалари мавжуд бўлмаган ҳудудлар (Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Сирдарё вилоятлари)даги ҳудудий кўп тармоқли катталар ва болалар тиббиёт марказларида мазкур марказ филиалларининг очилиши ҳам

соғлиқни сақлаш соҳасидаги муҳим янгиликлардан биридир.

Аҳамиятли томони, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида 2021 йилги Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури маблағлари ҳисобидан халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув-симуляцион марказ ташкил қилинади.

### ЧЕТ ТИЛИНИ БИЛГАН ТАЛАБАЛАР СТИПЕНДИЯСИГА УСТАМА

Келгуси ўқув йилидан бошлаб ёш кадрларнинг хорижий адабиётлардан кенг фойдаланишини рағбатлантириш мақсадида чет тили (инглиз, немис, француз тиллари)ни билиш даражаси тўғрисидаги халқаро сертификатга эга бўлган тиббиёт олий таълим муассасалари талабалари стипендиясига (мутахассислик фанларни 3 баҳога ўзлаштирадиганлардан ташқари) Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўшимча равишда устама тўланиши белгиланди. Бугун соҳага оид энг мукамал адабиётларни чет тилларда топиб фойдаланиш осон ва қулайлиги, тиббиёт ривожланган мамлакат мутахассисларининг аксари, асосан, инглиз, немис, француз тилларида мулоқот олиб боришни эътиборга олсак, бу рағбатлантиришнинг нечоғли оқилона ва ўринли эканини сезиш қийинмас.

Қарорга мувофиқ, халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингидан тиббиёт йўналишида биринчи 200 ўринни эгаллаган олий таълим муассасаларида клиник ординатура (резидентура) ва магистратура мутахассислигини тамомлаган мутахассисларга ҳам ҳар ойлик қўшимча устама тўланади. Бу ҳам мусофиқликнинг заҳмати топиб, ўзга юртларда не-не машаққат билан ўқиб-изланган мутахассисларнинг билими ва маҳоратига берилган муносоиб баҳо.

### ТИББИЁТ КОЛЛЕЖЛАРИ НЕГИЗИДАГИ ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТЛАРИ

Тиббий хизматни жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш ва инсон саломатлигини асрашда малакали шифокорлар билан бир қаторда маҳоратли ҳамширалар ва ўрта тиббиёт ходимларининг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда шундай ўрта бўғин тиббиёт мутахассислари тиббиёт коллежларида тайёрланмоқда. Келгуси ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудидagi 47 та тиббиёт коллежи Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумлари этиб қайта ташкил қилинади.

### Яна бир аҳамиятли жиҳати, мазкур техникумларни муваффақиятли битирганлар тиббиёт олий таълим муассасаларига имтиҳонсиз, суҳбат асосида қабул қилиниб, бакалавриятнинг 2-курсидан ўқишни давом эттириш имкониятига эга бўлади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қарор айтилган вақтда тиббиётимизнинг келажакини кўзлаб қабул қилинган муҳим ҳужжат бўлди. Унда белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида тиббиётимиз янада ривожланади. Бу ютуқлар халқимизнинг саломатлигини асраш ва жамият тараққиётини юксалтиришда муҳим қадам бўлади.

Бизнес лойиҳа

# БИР ГЕКТАРДАН 45 МИНГ ДОЛЛАР ДАРОМАД ОЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

## УНДА ГОЛУБИКА ЕТИШТИРИНГ



Н.МИРАБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши бўлим бошлиғи

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, 1 гектар суғли майдонда етиштирилган пахта хомашёсига нисбатан узумдан 7 баравар, гилосдан 6 баравар, ёнғондан 5 баравар кўп даромад олиш имконияти мавжуд. Президентимизнинг 2019 йил 11 декабрдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг ижроси мана шу имкониятни кенгайтириб, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажминини кескин кўпайтиришга кенг йўл очди.

Бугун мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида кечаётган ижобий ўзгаришлар хорижий давлатлар бозорларида Ўзбекистоннинг экспортёр сифатидаги мавқеини тобора мустаҳкамламоқда. Масалан, ўтган йили мамлакатимиздан жами 1 миллион 616 минг тонна ёки қиймати 1 миллиард 400 минг АҚШ долларига тенг мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди. Президентимиз томонидан 2023 йилга бориб Ўзбекистондан мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилиш ҳажминини 5 миллиард АҚШ долларига етказиш

топшириги берилган.

Экспорт ҳажминини ошириш учун эса мева-сабзавот етиштиришни йилга 8–10 фоиз кўпайтириш ва қўшимча 1 миллион тоннадан ортиқ маҳсулот етиштириш зарур. Шу боис, хорижий импортёр давлатлар халқлари суйиб истеъмол қиладиган ноанъанавий экспорт-боп мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришни йўлга қўйишимиз лозим. Ушбу ноанъанавий резавор мевалардан бири голубикадир.

EastFruit портали таҳлилчиларининг билдиришича, Ўзбекистонда голубика мевасини етиштириш жозибador ва даромадли бизнесга айланиши мумкин. Голубика жуда ҳам фойдали ва мазали резавор мева, таркибда кўп миқдорда қимматбахо витамин ва минераллар мавжуд. Бутта кўринишидаги бу ўсимликни иқлим мос давлатларда саноат миқёсида экиш ҳозирги кунда даромадли бизнеслардан ҳисобланади.

Таҳлилчилар голубика мевалари пойтахтимиздаги супермаркетларда ҳам пайдо бўлганини таъкидлашди. Ушбу супермаркетларда сотилаёт-

ган голубика мевасининг чакана нархи Украина ёки Польшада энг юқори бўлган нархлар билан таққосланганда харидорни "тишлаб олади".

Бугунги кунда Ўзбекистонда голубика мевасининг ўртача нархи 125 грамм учун 71 минг сўми ташкил этади, яъни ҳар бир килограми учун 568 минг сўми ёки ҳозирги курс бўйича 59 АҚШ доллари атрофида. Таққослаш учун, Украинада шу кунларда голубика мевасининг чакана нархи анча паст бўлиб, 1 кг. учун 9 дан 15 долларгача.

Голубика кўчатлари бутта шаклида, баландлиги бир метр атрофида бўлади. Меваларининг баҳоси, фасл омида қараб, ҳар бир килограми учун 3 доллардан 10 долларгача ўзгариб туради. Олти йил парваришлангандан кейин голубиканинг ҳосилдорлиги ҳар бир тупга 5 кг.гача етади.

Бир гектар майдонга камида 3000 туп бута экилади. Беш-олти йилдан кейин бир мавсумда гектаридан 15000 кг. атрофида голубика мевасини йиғиб олиш орқали улгуржи нархини тахминан камида 3 доллардан ҳисоблаганда бир мавсумга ҳар гектар майдондан 45 минг доллар даромад қилиш мумкин.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маслаҳатчиси Бахтиёр Абдувоҳидовнинг сўзларига кўра, Ўзбекистондаги улгуржи савдода голубика меваси йўқ ва ҳеч ким бу мевани сўрамайди. Ижтимоий тармоқларда тарқалаётган фотосуратларда безатилган тўй дастурхонларидан голубика мевалари ҳам жой олгани кўзга ташланади. Бу эса мазкур мева халқ истеъмолига кириб бораётганини, яқин келажакда унга эҳтиёж ортиши мумкинлигини билдиради.

Голубика меваси ҳаҳон бозоридан энг қиммат резаворлардан бири экани инобатга олинса, логистиканинг қимматлиги уни Ўзбекистондан бошқа мамлакатлар бозорларига етказиб беришда қийинчилик туғдирмаслиги керак.

Ўзбекистоннинг иқлими ва голубикани етиштириш даври Испанияники билан уйғун, — дейди БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти инвестициялар департаменти иқтисодчиси Андрей Ярмак. — Бироқ Испания билан таққослаганда Ўзбекистонда ишчи кучи нисбатан арзон. Бу эса мазкур мевани етиштиришда мамлакатнинг Европа давлатлари билан рақобатлашишига имкон беради. Ўзбекистонда етиштирилмайдиган голубика мевасини Осиё мамлакатлари — Хитой, Гонконг, Сингапур, Малайзия, Вьетнам бозорларига етказиш кўпчилик учун қизиқ бўлиши мумкин.

Чиндан ҳам Ўзбекистонда голубика мевасини кўлда йиғиб олиш учун ишчи кучи етарли. Шу боис, қишлоқ аҳолисида ушбу резаворларни анча юқори нархларга сотиш орқали катта даромад олиш имкони пайдо бўлади.

EastFruit портали башоратига кўра, Ўзбекистонда голубика етиштириш ҳозирги кунда юртимизда энг қиммат бўлган гилос етиштиришдан ҳам жозибали ва даромадли бизнесга айланиши шубҳасиз.

Орол бўйларида

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ

Президентимиз ташаббуси ва сазй-ҳаракатлари туфайли Орол денгизининг қуриган ҳудудиди янги ҳаёт бошланди. Инсон қадами тегмаган жойларда саксовул ҳамда шўр ва қурғоқчиликка чидамми бошқа дарахт ва буталар экилиб, қум барханлари ўрнида яшил ҳудуд пайдо бўлмоқда.

# ОРОЛҚУМДА НИДЕРЛАНД АТИРГУЛЛАРИ ЎСАДИ

Ўтган йили 500 минг гектар ерга турли дарахтлар уруғи сепилган бўлса, бу йил 700 минг гектар майдонни ўрмонзорлаштириш режалаштирилган эди. Маълумотларга кўра, апрель ойи бошида Орол тубида ўрмонлаштиришнинг иккинчи мавсуми ҳам якунига етди. Бу ишга жалб қилинган барча техника ва ишчилар Қўнғирот темир йўл вокзалидан ўз уйларига кузатиб қўйилди.

Бугунги кунда экологик офат зонасида қум ва тузнинг учмишига тўққинлик қилувчи яшил майдонлар яратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан, 2019 йил кўз ва 2020 йил кўш мавсумида 700 минг гектар майдонда ўрмон мелиорация ишлари бажарилиши режалаштирилган бўлиб, айна пайтга келиб 706 минг гектар ерда бу ишлар тўла амалга оширилди. Шунча майдонга саксовул ва чўл, яйлов ўсимликлари уруғлари сепилди. 166 минг 200 гектар майдон экиш учун тайёрланди. Бунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган мингдан зиёда ишчи қарийб 4 ой давомида тиним билмай ишлади.

Бошқача айтганда, қисқа вақт ичида мисли қирилмаган ҳажмдаги ишлар қилинди. Саксовул ва бошқа чўл ўсимликларидан иборат ўрмонзор май ойининг бошида — вегетация даврида яшил тусга кириб, бутун майдон мовий қизилга айланади. Яна бир эътиборли жиҳат, Орол денгизининг қуриган тубига илк мартаба ем-хашак ўсимликлари экилди. Демак, бир неча ой ичида бу ерда яйловлар ҳам пайдо бўлади.

Орол қуриб, аста-секин кемалар қабристонига айланган ва чанг-тўзон ҳамда туз кўтарилиб, экологик муаммони келтириб чиқарган эди. Аммо матонатли, кучли халқ ёруғ кунларга ишониб, умид билан яшади ва ниҳоят орзу қилинган кунлар етиб келди. Орол денгизининг қуриган тубида "яшил қопламалар" — химоя ўрмонзорларини барпо этиш учун бугун барча астойдил меҳнат қилмоқда.

— 30 кишидан иборат жамоамиз 2019-2020 йилларнинг куз-қиш мавсумида

мида Орол денгизи тубига саксовул кўчатларини ўтказиш ишлари билан шуғулланди. 3 минг гектардан зиёд майдонга ўзимизнинг кўчатхонада етиштирилган 3 миллион донга саксовул кўчатини эдик, — дейди Нукус давлат ўрмон хўжалиги директори Арислон Юсупов. — Орол ва унинг фожияси оқибатларини юмшатиш йўлида қўлимиздан келган барча ишларни бажаришга тайёрмиз. Келаси мавсум учун ҳам кўчатхонамизнинг 7 гектар майдонига саксовул уруғини сеипиб, кўчат етиштирмоқдамиз.

"Бирлашиб кўтарган юк енгил", дейди доно халқимиз. Бугун қуриб қолган денгиз ўрнида ватандошларимиз амалга ошираётган ишлар ҳар қанча таҳсинга лойиқ, Олдин Орол денгизи, кейин Оролқум бўлган ерда энди ўрмон пайдо бўлмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган ҳар бир ватандошимизни замон қаҳрамонлари, десак арзийди. Ҳақиқатан ҳам, улар қум ва туз барханлари ўрнида мўъжиза яратмоқда.

— Хабарингиз бор, 2018 йилнинг 24 август кунини Ашхобод шаҳрида Оролни кўтариш халқаро жағмармаси саммитида давлатимиз раҳбари Оролнинг қуриган тубида яйловлар яратиш кераклиги тўғрисида гапирган эди. 2000 гектар ерда ана шундай майдон яратилди. Айтиш кераки, бу ишга Ўзбекистонда илк мартаба кўл урилмоқда. Бир-икки йилдан сўнг бу ҳудуд ўт-ўланлар билан қопланади. Натижада чорвачилик ривожланади. Янги иш ўринлари яратилади, — дейди қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, академик Зиновий Новицкий. — Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг яна бир кўрсатмаси бўйича жорий йилда 4 гектар майдонга мевали дарахтлар ва манзарали ўсимликлар экилиши режалаштирилган эди. Ҳозир бу майдонга 20 хилдан ортиқ ўсимликлар экилди. Олма, ўрик, олхўри, гилос, узум, жийда ва бошқа мевали дарахт кўчатларини ўтказдик. Биз бу ерлардан нафақат ҳосил, балки эстетик завқ олишни ният қилганмиз. Яна 186 туп нидерланд атиргулини ҳам эдик. Бу қизил атиргуллар келажакда майдон бўлиб келган сайёҳларнинг баҳри дилчини очди.

Инсон қадами тегмаган жойлар бугун қўқаламзорга айланмоқда. Бу эса фаровон ҳаёт, ҳар бир фуқаро учун катта илҳом манбаи бўлиши шубҳасиз. Демак, яқин келажакда бу ҳудудни қайта жонлантириш борасида янги-янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилади.

Инфратузилма

# ЙўЛЛАР КЎРКИ — КЎНГИЛ ЗАВҚИ

Усмонали НОРМАТОВ

Ҳаммамиз йўловчимиз. Йўллар раволигидан қанча қувонсак, бинолар кўркамлигидан шунчалик завқланамиз. Улуғларимиз бежиз: "Юрт ободлигини билмоқчи бўлсанг, йўллари ва бозорини кўр", дейишмаган. Сурхондарёда шинам уй-жойлар, мухташам иморатлар қурилиши баробарида кенг ва кўркам йўллар барпо этишга эътибор кучайган. Хусусан, йўл ва кўчалар четига ашнаб турган турфа гуллар ва бири-бирдан чиройли манзарали дарахтларни кўриб кишининг дили яйрайди. Улар бежиз кун сайин чирой очмайпти. Бу юмушларни бажаришда йўллар четини кўқаламзорлаштиришга ихтисослашган махсус корхона жамоасининг хизмати катта.

Президентимизнинг 2017 йил 11 сентябрдаги "Автомобиль йўллари кўқаламзорлаштириш ва архитектура-ландшафт жиҳатдан тузиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида "Сурхондарё йўлқўқалам" унитар корхонаси ташкил қилинди. Утган икки йилдан ортиқ вақт мобайнида корхонанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, янги техникалар ажратилди.

— Корхонамизда меҳнат қилаётган 25 мутахассис ва 140 нафар ишчи-хизматчининг бутун

диққат-эътибори умумий фойдаланувдаги автомобиль йўллари-нинг замонавий архитектура-бадий қурилиши ва ландшафт дизайнига аҳамият бериш, яшил экинлар, манзарали бутта ва дарахтлар, шунингдек, турфа гуллар экиш, ободонлаштириш ҳамда кўқаламзорлаштиришга, замонавий технологияларни жорий этишга қаратилмоқда, — дейди "Сурхондарё йўлқўқалам" УК директори Баҳром Каримов. — Корхона ўз ишини бошлаган пайтда йўллар атрофида ўтказиш учун 35 минг туп кўчат сотиб

олинган бўлса, кейинги йили Ангор, Бойсун, Денов туманларида ажратилган 33,5 гектар ерда ниҳоллар етиштириш йўлга қўйилди. Утган йили жамоа халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллар четига умумий қиймати 7,7 миллиард сўмлик қарийб 59 минг туп ҳар хил манзарали дарахт ва бутта кўчатини экти. Масалан, "Олмаота — Бишкек — Тошкент — Термиз" автомобиль йўлининг корхонага тегишли қисмида сарв, хило-каталпа, цизолфения, гибускус, Қрим қарагайи, сирень, япон сафораси, гўзал каталпа, қайрағоч, туя ниҳоллари экилган бўлса, "Бишкек — Душанбе — Термиз" йўналишидаги 23 километр масофага ҳам шундай дарахт ва бутталар билан бир қаторда саксовул, заранг, тут, гледичия, ипак ақациялар ўтказилди. Айни пайтда Ангор, Қўмқўрғон, Музrabот, Бандихон, Қўзиқор, Шўрчи, Денов туманлари ҳудудидан ўтган ва Термиз туманидаги халқаро аэропортга олиб борувчи йўллар четига кўчат экиш ишлари давом этмоқда. Уз навбатда, кўқарган дарахтларга шакл бериш, суғориш ва озиклантириш каби агро-техник юмушлар уюшқоқлик билан олиб бориляпти.



Режага кўра, ҳар мавсум йўллар четига 35 минг туп манзарали дарахт ва бутта кўчатини ўтказишимиз лозим. Аммо Сурхондарёда иқлим иссиқ бўлишини инобатга олган ҳолда қўшимча 30 йўналишидаги 23 километр масофага ҳам шундай дарахт ва бутталар билан бир қаторда саксовул, заранг, тут, гледичия, ипак ақациялар ўтказилди. Айни пайтда Ангор, Қўмқўрғон, Музrabот, Бандихон, Қўзиқор, Шўрчи, Денов туманлари ҳудудидан ўтган ва Термиз туманидаги халқаро аэропортга олиб борувчи йўллар четига кўчат экиш ишлари давом этмоқда. Уз навбатда, кўқарган дарахтларга шакл бериш, суғориш ва озиклантириш каби агро-техник юмушлар уюшқоқлик билан олиб бориляпти.

ҳисса қўшаётган жамоа инновацион тажрибаларни ҳам қўллаяпти. Утган йили йўлларнинг бир қисмида дарахт ва бутталарни ёмғирлашиб суғориш тизими жорий қилинди. Бундан ташқари, питомник қурилиб, кўчатлар етиштириш йўлга қўйилди. Яқин йилларга қўқувчи таллаба, ўқитувчи ишчи деярли ҳар ҳафта ҳашарга жалб этилар, ўз ишлари қолиб йўлни тозалаш, икки томонига ўз ҳисобларидан гул, кўчат келтириб экиш билан овера бўларди. Зўрма-зўраки экилган гул ҳам, кўчат ҳам нари борса бир-икки ойда қуриб қоларди. Кўқаламзорлаштириш ташкилотининг ташкил этилгани йўлларнинг чин маънода эгалик бўлгани ва тобора кўркамлашиб бораётганидан далолат.

Уйда қолиб, китоб ўқинг

# "ШАРҚ"НИНГ ХАЙРЛИ ТАШАББУСИ

Б. ЭГАМҚУЛОВ


Ҳозир коронавирус пандемияси туфайли деярли бутун дунёда, жумладан, мамлакатимизда ҳам карантин чоралари қўрилган. Аҳолидан зарурат бўлмаса ташқарига чиқмай, уйда ўтириш талаб этиляпти.

Аммо доимо турли иш ва юмушлар билан банд бўлган одамлар бир неча кун уйда қолганда зерикаши табиий. Бундай пайтда инсонни фақат китоб кутқаради. Шунинг учун ҳам юртимизда уйда ўтирган барчага — оддий ишчига ҳам, олиму ўқитувчига ҳам, талабага ўқувчига ҳам китоб ўқиш тавсия қилинмоқда. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси уйда ўтирган вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш мақсадида хайрли ишга қўл урди — Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказига нашриётда чоп этилган 30 миллион сўмлик 3 мингдан зиёд китобни тақдим этди. Китоблар марказ ходимлари томонидан

Тошкентдаги маҳаллаларга, оилаларга тарқатилади. Нашриёт бош муҳаррири Аҳрор Аҳмедовнинг таъкидлашича, тақдим этилган китоблар аҳолининг барча қатламларига мўлжалланган. Болаларга аталган китоблар орасида Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон, Турсунбой Адашбоев сингари ёзувчи ва шоирлар асарлари, "Қизиқарли математика", "Қизиқарли физика", "Қизиқарли кимё" каби китоблар бор. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг бу хайрли ташаббусини китоб чоп этиш билан шуғулланганидан бошқа корхоналар ҳам қўллаб-қувватлайди, деган умиддамиз. Уйда қолиб, китоб ўқинг.

9 апрель — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

# ҲАЁТНИЙ ЭЪТИҚОДЛАР РЎЁБИ



Ҳақим САТТОРИЙ

Соҳибқирон Амир Темур дунёга келганда у кўз очган олам ўзгача таҳлика ичида яшарди: мўғулларнинг бир асрдан ошган истибодиди давом этар, зулм, жабру ситам ҳаддидан ошганди. Бир пайтлар босқинчиға қақшатқич зарбалар бериб, анча эсанкиратган “Турон йўлбарси” — Жалолиддин Мангубердиннинг шухрати ҳам йиллар губори остида хира тортиб қолганди. Бахтли тасодиф шундаки, Соҳибқирон ўша эркинлик ва озодлик руҳини қайтариш, устувор қилиш учун туғилганди.

Бу икки буюк зотнинг таржимаи ҳолида ажабтовур гармония(ҳамоҳанглик)лар бор. Аввало, улар бир ишни бошлаш ва охирига етказиш учун яратилган эканлар, демек, бири — устоз, иккинчиси — шогирд, яъни бери — ибтидо (тўлқиннинг бошланиши), иккинчиси — интиҳо (охир).

Бу мантқиқий боғланиш бошқа унсурларда ҳам зоҳир бўлади: 1). Султон Жалолиддиннинг туғилиш санаси билан Амир Темурнинг дунёга келиш вақти; 2). Синд дарёсидаги Нилоб кечуви бўйидаги Жалолиддиннинг Чингизхон билан сўнгги тўқнашуви ва Темурбекнинг мўғуллар хизматига сипоҳсолор сифатида келиши (бири кетяпти, иккинчиси келаяпти); 3). Жалолиддиннинг вафоти ва Соҳибқироннинг тахта чиқиши орасида 138-140 йил оралик бор. Агар бу муддат ҳижрий ёки милодий ҳисоб билан ағдарилса, ўртача 139 сони пайдо бўлади. Бу рақамларда қандай маънолар яширинганини математик мантқиқ билан шуғулланувчилар тасниф қилиб беришар. Гапнинг индаллоси шуки, бу теварак оламда ҳеч нарса тасодиф эмас ва ҳамма гап ташқи аломатлардаги ички мантқиқни топа билишда. Агар шунга эришилса, сохта ҳақиқатларга ҳам ўрин қолмасди.

Ҳақиқатан, инсоният тарихида энг кенг қўламли фаолият соҳиб сифатида Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ҳамон турли қарашларга сабаб бўлиб келган, таассуфки, бу ҳол ҳамон тўхтагани йўқ. Битта одми ҳақиқат шуки, энди бу фаолият тарихининг мулки, тарих хазинасидан эса фақат тараққиёт мақсадларида фойдаланиш маданият ҳисобланади. Ахир кашф қилинган велосипедни қайта кашф қилишдан кимга наф? Фақат ҳамма далилларга баҳо бераётганда бугунги кун кўзи билан эмас, ўша давр руҳидан келиб чиқиб, одилона тош қўйиш лозим. Ўлчов битта: ўша мерос бугунги кун учун қанчалик ақсоятли? Бугунги кун — маданиятлашган, бироқ сирли давр ўтмишдаги фақат кучга асосланган, ярим ёввойи тартиблардан фарқ қилади. Қолаверса, ўтмиш ҳақиқатини тушуниш учун анча малака ҳам талаб қилинади. Биз учун ҳамон сирли бўлиб қолаётган боболар тажрибаси ана шу теран ҳақиқатларни бутун бўй-басти билан тасдиқлайди. Улардан хабардор бўлмай, кенг ва мунаввар оламга теран нигоҳ билан

ябрь) ойда рўй берапти. (“Зафарнома”да саналар мучал йилларияро ҳафтанинг кунларигача аниқ кўрсатилган). Гап нима ҳақида кетаётганини тўлароқ тушуниш учун баъзи далилларни эслашга тўғри келади. Мазкур воқеа Соҳибқироннинг етти йиллик юриши асосида рўй берган. Бу улкан муҳораба давомида, шоир сўзлари билан айтганда, “кенг Осиё забтга олиниб”, бугунги кунларда мавжуд йигирмадан зиёд давлат чегараларида Самарқанд лашкари ўша давр талаб қилган оламшумул вазифасини адо этиб юрган. Амир Темур юришларининг моҳияти ҳақида тури-туман фикрлар изҳор қилинса-да, умумий манзара — муросяно мадора, тинчлик-омонлик бўлганини тан олиш лозим. Баалбек шаҳрига етмасдан олдин савдо қарвонлари ва йўловчиларга таҳдид солиб турувчи ўнлаб қалъалар ишғол қилинади, улардаги қароқчи ва йўлтўсарлар даф этилади.

Минтақада Ҳалаб (Алеппо) шаҳрининг мавқеи баланд, у савдо йўллари кесишган нуқтада жойлашган бўлиши билан бирга, муҳим маданий марказлардан эди. Аини шу кунларда шаҳар босқинчилар томонидан эгалланган, Соҳибқироннинг эски қадрдони, ҳаж зиёратига йўл олган тарихчи олим Низомиддин Шомий ҳам уларнинг қўлида асир эди. 28 октябрь, пайшанба кунини мазкур муваққат ҳақида Ҳалаб остонасига етди ва уни икки кунда қўлга киритди. Тарих китобларида шаҳар озод қилинган, Соҳибқирон олимлар билан суҳбатлашишни ихтиёр қилгани ва турли масалаларда уларга мураккаб саволлар билан мурожаат этгани дарж этилган. Худди шундай Ҳама шаҳри ва Ҳумс қалъаси ҳам фатҳ қилинди.

Баалбек шаҳри (юнонча “Гелиополь”, арабчада “Баълабакка”) ҳозирги Ливан мамлақати худудида жойлашган бўлиб, милотдан олдинги 180 йилда асос солинган. Унинг асосчиси сифатида Нуҳ пайғамбар тилга олинади. Кейинчалик уни Рим империяси эгаллаб олган, унинг сўнгги колонияси ҳисобланади. Шаҳарда киши ақлини лол қолдирадиган маҳобатли тош устунлар ва сўпалардан иборат (ҳозирги мутахассислар уларнинг оғирлиги 600 тоннагача келишини ҳисоблаб чиқшган) қўлаб иморатлар мавжуд бўлган. Биноларнинг бунёд этилиши киши ақлини лол қолдиради. Уларнинг орасида энг


ани Сулаймон пайғамбар йасаб турур (дерлар)”. Шаҳар тоққа яқин бўлган, қиш бошланаётгани ва совуқ тушаётгани муносабати билан у жойдан тез қайтилади. Лекин ҳаммаси шу эмас. Табиатан бунёдкор бўлган Соҳибқирон қадами теккан ерлардаги нодир нарсаларни Самарқандда барпо этишни ихтиёр этарди. Ҳатто шу юриш давомида бир бой кишининг меҳмонхонасига ташриф буюрилади. Бино Соҳибқиронга жуда маъқул келади ва мулозимларга унинг тарҳини чизиб олишни ва Самарқандда шундай иморат тиклашни буюради. Баалбек таасуротлари ҳам исиз кетмайди.

Аини шу кезларда Самарқандда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилган, уларга маликалар Туман оқа ва Сароймулкхоним бош-қош эдилар. Баалбекдаги тош устунлар, сўпалар, фонтанлар, умуман, нодир меъморий ечимлар тарҳи ҳам пойтахтга етказилади ва

**А**йни шу кезларда Самарқандда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилган, уларга маликалар Туман оқа ва Сароймулкхоним бош-қош эдилар. Баалбекдаги тош устунлар, сўпалар, фонтанлар, умуман, нодир меъморий ечимлар тарҳи ҳам пойтахтга етказилади ва уларнинг нухсасидан Бибиҳоним жоме масжидида фойдаланадилар. Бош малика номи билан аталувчи бу ибодатхона намозгоҳида 470 дона тош устун тикланганди.

уларнинг нухсасидан Бибиҳоним жоме масжидида фойдаланадилар. Бош малика номи билан аталувчи бу ибодатхона намозгоҳида 470 дона тош устун тикланганди. Шунингдек, масжиддан ҳозирги Регистон майдонига йўлнинг икки тарафидан савдо расталари бунёд этилгандики (уларнинг бир-бирига ўхшамаган гўзал ва бетакоррогли ҳақида гувоҳлар ҳажжон билан ёзишган), тим ва дўконларни безашда ҳам бу намуналар истифода этилгани шубҳасиз. Темурийлар салтанатининг шукуҳи асрлар оша дунё аҳлини лол қолдириб келади. Бу ноёб бойлик ана шундай йўллар билан зарралаб тўпланган ва боболаримиз заковати билан қайтадан жиполаниб, яна ҳам пувиқор ва мафтункор тарзда воқе бўлганди.

Ҳа, улугворлик ва буюклиқнинг синопалари кўп. Бундай етуклик, аввало, маънавиятда зоҳир бўлганди. Тарихчининг ҳажжони беҳуда зухур бўлмаган: “Соҳибқирон давлатидин, бир



Соҳибқирон бобомизнинг ҳаётий ақидалари сифатида “Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзал”, “Бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч қачон унутма”, “Уйқуда ётган фитнани уйғотиб қўйма”, “Адоват эмас, адолат керак”, “Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат билан, қолган бир улушини қилич билан амалга ошир”, “Юз минг аскар қилолмаган ишни бир киши тўғри тадбир билан уддалаши мумкин” (“Танбеҳлар”дан) сингари дурдона фикрларни келтириш мумкин.

ган даҳо зотнинг инсоний қарашлари ифодаланган.

Соҳибқирон бобомизнинг ҳаётий ақидалари сифатида “Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзал”, “Бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч қачон унутма”, “Уйқуда ётган фитнани уйғотиб қўйма”, “Адоват эмас, адолат керак”, “Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат билан, қолган бир улушини қилич билан амалга ошир”, “Юз минг аскар қилолмаган ишни бир киши тўғри тадбир билан уддалаши мумкин” (“Танбеҳлар”дан) сингари дурдона фикрларни келтириш мумкин, уларда “куч” қайси қутба экани ўзига ҳос тарзда белгиланган, яъни ютуқни таъминлашга хизмат қиладиган куч зравонликда эмас, балки ақл ва тафаккурда (руҳоний омилларда). Бинобарин, инсонга жисмоний қудрат эгалари ҳисобланмиш жонзотлар — ваҳший ҳайвонлардан фарқ қилиб, ўз ҳаракатини бошқариш учун ақл-тафаккур (онг) ато этилган. Мабо-до вужуддаги бу нодир бойлиқдан тор мақсадларда, олайлик, ёнғин хавфини сезиш, оғриқни ҳис қилиш, дарёдан кўприк орқали ўтиш сингари кичик, майши масалалардагина эмас, балки бош масалалар — мамлакатлар, минглаб одамлар тақдирини ҳал бўладиган масалаларда ҳам қўлланади, қўлаб фаолиятларнинг олди олинишини фахрли аждоғимиз ўз ҳаётий тамойилларида илгари суряптилар ва шундай йўл тутишнинг ибратини ўз фаолиятлари мисолида кўрсатяптилар.

Ана шундай изчил мантқиқий ёндашув “Куч — адолатда” тамойилнинг майдонга келишини таъминлаган бўлса ажаб эмас. Дунёдаги жами ҳумдорлар, давлат бошлиқларидан фарқли равишда Амир Темур ҳазратлари ўз фаолиятида моддий тиргалма эмас, балки руҳоний заминга таяниш қоида-сини асослади ва уни муваффақиятли жорий этди. Бу ҳолнинг бир қанча сабаблари ва омиллари мавжуд. Уларни Соҳибқиронни улғайтирган муҳит, қўршаб турган маънавий олам ва, албатта, ўзининг дунёқарашидан излаш лозим. Ҳеч кимга сир эмас, Соҳибқирон аввал бошдан ҳаётий кредоси сифатида “Дилимнинг машиқидан кўтарилган илк тузугим Оллоҳ таолонинг динига ва Мухаммад мустафо саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг шариатларига ривож бериш бўлди”, деб фаолиятининг бош мақсадини изҳор қилган эди. Ва унга беҳуда нуфузли диний алломалар жамоаси “Ислому оламнинг сақкизинчи химоачиси” унвонини бермаганлар. Демак, бобомиз руҳоний тушунча сифатида “Адолат”нинг бутун бўй-бастини ислом дини арконлари ва Мухаммад (с.а.в.) шариатларини дунёвий амалиётга жорий этиш, деб тушунган, яъни ислом кўрсатмалари ва пайғамбаримиз ибратларини ҳар бир фуқаронинг онгли ҳаётига олиб киришни бош мақсад

қилиб қўйган. Адолат, Соҳибқирон наздида, соф исломий ақидалар ва пайғамбар ибратларини ҳаётга жорий этиш ҳисобланган.

Шак-шубҳасиз, бошқа фотиҳлар, йўлбошчилар бундай улуг вазифани зиммаларига олмаган эдилар ва улар инсоният пайдо бўлгандан бери амал қилиб келинган “Адолат — кучда” тамойилидан юқори кўтарила олмадилар. Моҳият, барҳаётлик шундан иборатки, дунё ишларини муросяно мадора билан ҳал қилиш, ҳар қандай шароитда ақл-тафаккурга қулоқ тутиш! Дунё таълимотининг ниҳоятда тўғрилигини ўз тажрибасида икки ярим минг йил давомида исботлади. Дунёнинг аҳолиси шу даражага келиб қолдики, аини ҳозир, мабо-до куч ишлатиладиган бўлса, битта тумгачани босиш билан Ер курагани кукунга айлантириб юбориш мумкин. Энди муаммоларнинг муаммоси сифатида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, олға қараб тараққий этиш эмас, Ер шарини шу ҳолида сақлаб туриш кун тартибига бош масала сифатида қўйил-япти. Бу ҳолни неча юз йиллар олдин Соҳибқирон Амир Темур тарфаккури тасдиқлаганди ва ундан қочиб усул-ни кашф этган эди, яъни кучга эмас, адолатга таяниш инсониятнинг аъмоли эканини кўрсатиб қўйган эди. Дунёки бу ҳақиқатни энди англаб етган экан, бу эътирофдан сўнг ҳатто инсоният ўша даврлардан юксалишда юқори кўтарила олмаган, балки боши айланиб, айланма йўлларда адашиб юрган, деган хулосага келиш бор гап. Амир Темурнинг даҳолиги шунда, ул зот эришган юксак мақом шу даражада.

XIX асрдаги буюк саркардалардан бири сифатида Наполеон Бонапарт тилга олинади. Французлар уни миллат характерининг қирраларини намоян қила олган зот сифатида қадрлайди ва у билан боғлиқ ҳамма нарсани миллий бойлик сифатида эъзозлайди. Сир эмас, Ер юзига сиймаган микти баҳодир Европа мамлакатларига бир неча марта юриш қилди, барибир, муваффақият қозона олмади. Аммо шаштидан тушмаган император ҳаммани бу издиҳомга сафарбар этди, оқибатда қурол кўтаришга ярайдиган эркаклар сони ҳам камайиб кетди. Шундан сўнг мўйлови энди сабза урган 15-16 ёшли ўсмирларни ҳам ҳарбий юришларига жалб этди, бироқ омад қилиб боқавермади. Шундай ҳолда миллатининг қирлиб кетишидан ваҳимага тушган бутун Европа аҳли гапни бир жойга қўйиб, бу офатни жиповлаш учун унга қарши халқ ҳаракати — “Миллионлар юриши”ни уюштирди, ҳамма жам бўлиб, Наполеонни жиповлади ва бир оролга бадарга қилди.

Бу — тарих, шундай ҳолга муқобил тарзда Амир Темур фаолиятидаги бир нуқтани ёдга олайлик. Соҳибқирон зиммасидаги вазифани уддалаш учун бир, икки, уч, беш, етти йиллик юришлар уюштирди. Бу эса салтанат ҳукмдори

ҳарбий сафар билан шунча муддат пойтахтдан чиқиб кетди ва тақдирини номаълум тасодифларга, офатларга топширди, дегани. Бир ҳақиқат аёнки, ана шу юришларда на пойтахтда, на сафар асосида бирорта таҳлика-ли-таҳдидли ҳолатлар рўй бермаган! Соҳибқирон ҳар сафар ўзи мўлжаллаган режаларни бекаму кўст амалга ошириб, зафар ва нусрат билан пойтахтга қайтган. Агар бу ҳолатга зид фикрларни илгари суриб, мулоҳаза юритиладиган бўлса, мабо-до баъзи галамис олимлар таъкидлаганидек, “унинг изидан култепалар қолган”да эди, агар жаҳаннамнинг ўқи бўлса ҳам халқлар бирлашиб, бу вайронкор кучни махв этарди. Воқелик эса аксинча бўлган: Соҳибқироннинг изидан обод шаҳарлар, гулла-ган боғлар, обод эл-улус қолган. Қолаверса, адолатсизликдан эзилган раият уни халоскор сифатида тан олган, ёрдам сўраган.

Амир Темур қадами етган ўлкаларнинг ривожланишига йўл очди, одамларини рози қилди, ўзларидан раҳбарлар қўйиб, уларга ғамхўрлик кўрсатди, тарбиялаб, воёга етказди.

Кўхна тарих ана шундай ҳақиқатларни ҳам бағрида сақлаб, сукут билан яшамоқда. Гапнинг сирасини айтганда, пинҳон қолаётган ҳақиқатлар бутун бўй-басти билан юзага чиққанида Ер юзининг қиёфаси ҳозиргидан бошқачароқ — ободроқ ва гўзалроқ бўлармиди?!

Ўзбек тарихига муносабатнинг ўзгариши — бор гапни борлигича айтишга интилиш руҳи таҳлил ва тадқиқотлар учун бой манба берапти. Пайдо бўлган рўшноликдан кейин бу меросни ўз эгаларидек меҳр билан тадқиқ қилишнинг дастлабки натижалари шундай бир ҳолни тасдиқлаяптики, темурийлар даври, умуман, Амир Темурнинг шахсияти ҳеч қандай бўрттириш ёки мадҳ этишга муҳтож эмас. Аксинча, тадқиқотлар теранлашган сари бу нодир хазинанинг ҳали кашф этилмаган қирралари, ҳатто илмий муомалада учрамайдиган ютуқлари очилаверар экан (масалан, Алишер Навоий мўъжизаси тобора юз очиб борапти-ку!). Шунинг учун бу борада иккиланашга ўрин йўқ. Энди тўла ҳуқуқ билан айтиш мумкинки, хусусан, Амир Темур шахсига муносабатда уни кашф этиш эмас, балки олимнинг салоҳиятига баҳо бериш ўнғай бўлиб қоляпти, яъни Соҳибқирон Амир Темур бутун борлиги, қўлами билан бўй кўрсатиб турибди, унга назар солган тадқиқотчининг аҳоли нечук? Бу воқеликни баҳо беришда янги гап айтишдан кўра тарихчининг қимлиги кўпроқ муҳим аҳамият касб этапти, гўё донишманд устоз билан юзма-юз имтиҳон топширгандек, бу мавзуда сўз айтиш ҳам сивовдан ўтиш мақомини оляпти.

Барибир ҳали асосий тадқиқотлар олдинда, биз ҳамон муҳташам саройнинг остонасида турибмиз.

**XIX асрдаги буюк саркардалардан бири сифатида Наполеон Бонапарт тилга олинади. Французлар уни миллат характерининг қирраларини намоян қила олган зот сифатида қадрлайди ва у билан боғлиқ ҳамма нарсани миллий бойлик сифатида эъзозлайди. Сир эмас, ер юзига сиймаган микти баҳодир Европа мамлакатларига бир неча марта юришларни амалга оширди, барибир, уринишлари муваффақият қозона олмади.**

боқиб мумкин эмас, Тўғри, қудуқда уз-луқсиз сайраб, дунёни бор-йўғи шундай қўламада тасаввур қилиб, ўз вақтинчи чоғ қилиб юриш мумкин, аммо Соҳибқирон бобомизнинг 70 йиллик ҳаёти сабоқ сифатида ҳар лаҳзаси билан себаҳо. Ҳар бир унсурда минглаб синоатлар яширинган.

Масалан, тарихчи ёзади: “Соҳибқирон Ҳумс қалъасидан мансур черики билан Баълабакка шаҳрига мутаважжих бўлди” (Шарафиддин Али Яздий. “Зафарнома”. Мухаммад Али Бухорий таржимаси. 1519 йил. “Шарқ”, 1997 й., 239-бет). 10 та сўз. Тўғриси, унда муҳасамалашган маънони тўла тушуниб етиш учун 10 саҳифалик изох ҳам камлик қилади. Бу воқеа ҳижрий 803 йил рабиъ ул-аввал (1400 йил октябрь-но-

машури қуёш худоси Юпитер ибодатхонаси бўлган. Ибодатхонада турли диний ва дунёвий амаллар адо этилган. Жумладан, магистрлар ишга киришишдан олдин ҳалол ишлаш, бурча содиқ бўлишга оид ичти маросимини шу жойда ўтказганлар (Юпитер ҳуқуқ-тартибот маъбудди ҳам ҳисобланган). Амир Темур қўлаб нодир тарихий ёдгорликлар, масалан, Намруд оташгоҳи, Исо пайғамбар ибодат қилган черков ва бошқалар сингари бу тош обидалар ҳовлисига ҳам қадам қўяди.

Соҳибқирон ана шу мўъжиза билан юзма-юз бўлади: “...ул шаҳарни кўруб таъажжубка қолдилар. Анинг учун-ким, ул қалъа тамом тошдин эрди ва асуру улғур тошлардин йасаб эрдилар. Ва эл ичида андоқ машхур туруририм,

кишиким бошига тилла тўла табақни қўйиб, мамлақатни айланиб чиқса, бир-рав анга тегмас эрди”. Албатта, бу ҳолнинг шарҳи узоқ бўлиши мумкин, “Нега одамлар тегмас эди, зарурат йўқмиди ёки қўрқардимиз?” тарзида мулоҳаза қилинса, ўша давр жамиятининг қиёфаси тўлароқ намоян бўлаверади. Соҳибқирон амал қиладиган ҳаётий эътиқодлари кўп бўлган, жумладан: “Қаерда қонун устувор бўлса, ўша ерда эркинлик бўлади” ёки “Душманнингга жабр-зулм қилма” (“Танбеҳлар”, тўппловчи Б. Аҳмедов. 1996 й.). Афозимиз даражасига кўтарилган бундай фикрлар ҳаётий тажрибанинг махсули экани шубҳасиз. Бу жиҳатдан “Темур тузуқлари” ноёб китоб. Унда Ер юзини бир туғ остида бирлаштиришга эриш-

Синовли кунларда

# ХИКМАТ ИЗЛАГАНГА ХИКМАТДИР ДУНЁ

Кутлибека РАХИМБОЕВА

Тақдир тақозоси билан одам боласи бирор машаққатга дуч келса-ю, атрофида ҳеч ким бўлмаса, ўзини заиф сезади. Рўпарасидаги машаққат соат сайин баҳайбат тортиб, кўрқув уйғотади. Кўрқув эса руҳиятни емиради. Аксинча, агар инсон ўзининг ортида бўйидан баланд суянчик, ёнбошида унга хайрихоҳ елкадошлар борлигини ҳис этса, руҳан бақувват тортади. Унга қарши келган ёв нечоғли даҳшатли бўлмасин, курашиш, енгил истаги кучли бўлади. Бу истак эса ярим ғалабадир.

Президентимизнинг мана шу синовли кунларда юртдошларимизни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг саломатлигини асраш борасида қабул қилган фармонлари моҳиятида бизга умид, ишонч берадиган ана шундай куч борлигини бугун ҳар бир дақиқа сезиб турибмиз. Дақиқалар соатга, соатлар кунга, кунлар ҳафталарга айланиб, қалбимиз, юрагимиз устидан югуриб ўтар экан, биз унинг ўзимизга берилган тенгсиз, бебаҳо имкон эканини англашга ҳаракат қиламиз. Англаган заҳотимиз уни яхшиликка, саховатга, меҳр-муҳаббатга, қадриятга айлантиришга уринамиз. Ахир, шу синовли кунларнинг зарурати ўлароқ юзага келган Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармасига бир кунда миллионлаб маблағ тўшаётгани шу фикримизни далилламайдими?

Вазият тақозосига кўра, ихоталанган юртдошларимизга озиқ-овқатлар, дори-дармонлар етказиб бераётган инсонларнинг исмларини ҳам билмаймиз. Лекин улар ўзимизники, Ўзбекистонимизники эканини биламиз ва бундан суюнамиз. Бу саховат, бу ҳиммат ҳам аслида тарбия. Тарбия бўлганда ҳам икки тарафлама тарбия. Чунки қийнаётган кишиларнинг оғирини енгил қилаётганларнинг ўзлари бу ишдан суюнади, ҳар берганида унга эҳтиёжи бор инсонларнинг қувончи, миннатдор чехраси, дуоларини эслаб, кўнгиллари ёруғ тортади. Бу кунларимиз қанча яхшиларни, яхшиликларни яратди экан?! Улар фақат бугунгина шу табиати билан қолиб, эртага бошқача айланиб қолмайди. Улар энди умри давомида шу туйғулар билан қолади.

Иккинчи тарбия эса биз учун, яъни бу ҳимматларни кўраётганлар, уларга қойил қолаётганлар билан боғлиқ. Биз уларни шунчаки ҳурмат қилиб қолмай, яхши кўрапмиз, фахрланяпмиз. Ахир, миллий бирлик, халқ бўлиб шаклланиш ана шу муҳаббат устига қурилади-ку. Бир-бирини чиндан севган, бир-биридан фахрланган инсонлардан ХАЛҚ яралади. Шундай экан, бу кунларнинг ҳикматларига чуқурроқ киришимиз, ғаввос денгиз тубидан дур излагандек, бу ҳикматлардан баҳраманд бўлишимиз зарур.

“Узоқлашиб бораётган, йўқотаётган қадриятларимиз қайтапти”, деди шифокор ду-

гонамга ҳол сўраб кўнғироқ қилсам. Бу — яна бир ҳикмат. Дейлик, Жайхунбўйи тарафларда дастурхонга ўтирадиган меҳмонга, албатта, обдаста ва кумғонда сув тутилади. Таом қошиқда ейилса-да, тановулдан олдин ҳам, кейин ҳам қўл ювилади. Аксарият жойлар, айниқса, шаҳарлардаги аёллар ўтиришларида мен кўпинча бу одатни кузатмаганман. Жой тор, хонтахта атрофида қатор ўтирилади... Худди ювкисиз қўл билан нон ушлагандек (гарчанд хўл салфеткада артинсам-да) хижолат бўлаверар эдим. Мана, бугун саломатликнинг зарур шартларидан бири қўл ювиш эканлигини ҳаммамиз билиб турибмиз. Одатга айланган фазилатлар оила билан бирга даврдан даврга ўтади. Демак, оилаларимизда одатга айланиб бораётган тозалик, озодалликка эътибор бугунда қолиб кетмайди.

**Шифокор дугонам айтмоқчи, олислашган қадриятлардан яна бири исрофгарчилик эди. Биз оқ матоларга кашталар нақшлаб, сочлик, чойшаблар тикишни, пешонамиз терлаб, хамир қилишни, оловда юзимиз оғтибдай қизариб нон ёпишни унутиб бораётган эдик. Қўлимиз, кўзимиздаги дангасалик руҳиятимизга кўчаётгандек эди. Тайёрига ўрганаётган эдик. Энди эса уйда кунларимиз билан бирга чеварлигимиз, пазандалигимиз қайтапти. Хунар одам боласини яратувчанликка ўргатади. Фикри ҳам, вужуди ҳам ҳаракатда бўлади. Ўз қўли билан яратганлари одамга илҳом, завқ беради. Бу туйғулар эса яшашга иштиёқ уйғотади.**

Биз фикрдош дугоналар бугун телефонларда суҳбатлашяпмиз. Юқоридagi фикрларимизга яна бир дугонамнинг гапи сабаб бўлди: — Узига тўқ одамдан келин олганман, била-



Хунар одам боласини яратувчанликка ўргатади. Фикри ҳам, вужуди ҳам ҳаракатда бўлади. Ўз қўли билан яратганлари одамга илҳом, завқ беради. Бу туйғулар эса яшашга иштиёқ уйғотади.

**БИЗ ФАҚАТ ЎЗ ЮРТИМИЗДАГИ ЭМАС, ХОРИЖДАГИ ЎЗБЕКЛАРДАН ҲАМ ХАБАРДОРМИЗ. БИР ПАЙТЛАР УЛАРНИНГ ҲАЁТИ БИЛАН ҲЕЧ КИМНИНГ ИШИ ЙЎҚ ЭДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ХАЛҚЛАРВАРЛИК, МИЛЛАТПАРВАРЛИК СИЁСАТИ БОИС УЛАРГА МЕҲРЛИ НАЗАР ТУШДИ. УЛАРНИНГ КЎНГИЛЛАРИДА ҲАМ “ЭГАМИЗ БОР ЭКАН, ҲЕЧ КИМСИЗ ЭМАС ЭКАНИМИЗ”, ДЕГАН БИР ТУЙГУ ЎСДИ. СИЁСАТНИНГ БУ ЭПКИНЛАРИ БИЗНИНГ ДИЛИМИЗДА ҲАМ ЭСАЁТГАНИ ЭЪТИБОРГА МОЛИҚДИР.**

сан. Ўлчамни билмасди. Тежамкорлик деганининг кўчасидан ҳам ўтмаган эди. Карантинда келиним бошқа одам бўлиб қолди. Касаллик юқади, деб ўзи умуман кўчага чиқмайди. Иложи борича, ўғлимни ҳам чиқармайди. Ишонсанми, интернетга қараб, шунақа пишириқлар қилаяпти, ҳайрон қоляпман... Нон ушогини ҳам тежайди, котлетга асрайди...

Келинини кашф қилган битта дугонам эмасди... Аслида мен умуммиллий аҳамиятга эга бошқа бир ҳикмат ҳақида гапирмоқчи эдим. Кейинги пайтда жамиятимизда юз берган ислохотлар фуқароларимиз, шу жумладан, аёлларимизда ҳам юртга дахлдорлик туйғусини кучайтириб юборди. Лекин барибир аёлларимиз орасида маиший ҳаёт даражасидан баланд кўтарила олмаётганлар оз эмасди. Қиз узатиш, ўғил уйлантириш, ақиқа, бешик, суннат, никоҳ тўйи... Шу тўйларнинг сарпо-сурғи, тоғораси, борди-келдилар... Мана шулар бизга чирмовуқдай ёпишиб, руҳан юксалишимиз, тафаккуримиз юксалишига тўсқинлик қиларди. Бу муаммолар ҳуқумат даражасига етиб, Сенатнинг махсус қарор қабул қилишига ҳам айнан ўша — баъзиларимизнинг маънан

қашшоқлаша бошлаганимиз сабаб бўлди.

Маънавий қашшоқликдан кибр, худбинлик туғилади. Худого шукри, бу кунлар бизни бир-биримиз учун қайғуришга ўргатапти. Биз уйда ўтирсак ҳам бир кўзимиз телевизорда, беморларга шифо тилаймиз, соғайганлардан суюнамиз. Бемору соғни бармоқ билан санаб, кўнгил кўзларимизда кузатиб турибмиз. Уларнинг жисм ориқларини қалбимизда ҳис қиламиз. Бу миллат, халқ бўлиб жипсплашувнинг яна бир кўриниши эмасми?

Биз фақат ўз юртимиздаги эмас, хориждаги ўзбеклардан ҳам хабардоримиз. Бир пайтлар уларнинг ҳаёти билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Президентимизнинг халқларварлик, миллатпарварлик сиёсати боис уларга меҳрли назар тушди. Уларнинг кўнгилларида ҳам “Эгамиз бор экан, ҳеч кимсиз эмас эканмиз”, деган бир туйғу ўсди. Сиёсатнинг бу эпкинлари бизнинг дилимизда ҳам эсаётгани эътиборга молиқдир.

Лекин минг афсуски, шундай руҳан, маънан улканлашаётган ва бу улканлик олдига хасталик хатарининг хавотири кичраётган кунларда ҳам ўғрилик, бировнинг жони, молига

хиёнат қилиш, юзага келган вазиятдан фойдаланиб, қўлидаги молининг нархини кўтариб, олғирлик қилиш ҳолатлари учраб турибди. Халқ бошқа пайтда уларга “шолнинг ичидagi курмаклар”, деб қараса-да, бошинга иш тушиб турганида бундай ҳолатларни хиёнат деб баҳолайди, ёмон олади.

Дантенинг машҳур “Илоҳий комедия” асарига сотқин, хиёнаткорлар дўзахнинг охири қаватига — энг оғир жазо бериладиган жойига лойиқ қўрилади. Агар бунга хаёлот маҳсули десак-да, Оллоҳ наздида ҳам, банда наздида ҳам хоинлик, сотқинликнинг жазоси оғир. У одамлар назаридан қолади. “Одам қаторига қўшмайдилар”, дейди бунақалар ҳақида. Тангри ҳар бандани бундай ёмонликдан асрасин!


Ҳар нимага қарамай, ҳаёт бизга саҳий. Дераздан атрофни кузатишимиз. Дарахлар кўм-кўк, ариқ лабларида яшил майсалар... Ҳаволардан гул иси уфурди. Бу лаҳзаларнинг ҳам қувонч-ташвишлари ганимат эканини, ўзимиз, жисму жонимиз, руҳимиз ҳам бу ганиматлик ичидалигини унутмасдан, “Ҳар бир инсон азиз, ҳар бир инсоннинг саломатлиги муҳим” широри остида олиб борилаётган барча сабъ-ҳаракатларга, бу синовлардан темир интизом билан ўтишимиз лозимлиги ҳақидаги қаҳриққа садоқат билан жавоб беришга ўзимизни шайлар эканмиз, хотирага замондош шоирнинг шу сатрлари келади:

**Ватан — она! Ватан — ота,  
Ватан — ўзинг! Ўзинг... Ўзинг...**

Мутолаа

## ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛУВЧИ КИТОБ

Қ.ЖЎРАЕВ,  
сиёсий фанлар доктори



Коронавирус пандемияси дунё бўйлаб тарқалган айни карантин кунлари юртдошларимизнинг энг сеvimли машғулотларидан бири китоб ўқиш бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан иқтидорли ёш олим Лазиз Раҳматов муаллифлигида яқиндагина чоп этилган “Дунё мамлакатлари: Австралиядан Ҳиндистонгача” китоби Ер юзидagi барча мамлакатлар тўғрисида муҳим қомусий маълумотларни жамлаган қизиқарли тўпламлардан биридир. Рисолада 238 та давлат ҳақидаги ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, жуғрофий маълумотлар билан бирга, уларнинг бошқарув шакли, бўлиниши, аҳолиси, жойлашуви, табиати, тарихи, иқтисодиёти ва бошқа эътиборга молик хусусиятлари баён қилинган.

“Yangi kitob” нашриёти томонидан чоп этилган ушбу тўпламда ҳар бир мамлакатнинг майдони, бошқарув шакли, бўлиниши, аҳолиси, жойлашуви, табиати, тарихи ва иқтисодиёти, таъқи сиёсати, шунингдек, бошқа қўшимча маълумотлар шунчаки баёнчилик тарзида эмас, балки муаллифнинг чуқур таҳлили асосида берилганлиги унинг илмий-оммабоплигини янада оширган. Жумладан, аксарият давлатларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқалари ҳам муфассал баён этилган. Айниқса, Ўзбекистоннинг қатор

стратегик ҳамкорлари ва қўшни давлатлар билан алоқалари ҳақида фойдали ахборотлар келтирилган бўлиб, бу халқроқ муносабатлар билан қизиқувчи ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтиришга хизмат қилади.

Китобда 238 мамлакатнинг маъмурий-худудий бўлиниши, сиёсий тизими, давлат бошлиғи, иқроия ҳокимияти раҳбари, амалдаги конституцияси ва конституциявий тартиботи, партиявий тизими ва сиёсий партиялари тўғрисида ҳам батафсил ахборот берилган. Китобда “Бўлиниши ва аҳолиси”, “Жойлашуви ва табиати”, “Тарихи”, “Иқтисодиёти”, “Ташқи сиёсати” ҳамда “Эътиборга молик маълумотлар” каби бўлимларда мамлакатлар ҳақидаги қизиқарли маълумотлар тақдим этилган.

Бир сўз билан айтганда, энг янги ва ҳаққоний маълумотлар асосида дунё мамлакатлари тўғрисида яхшигина илмий-оммабоп нашр дунё юзини кўрди. Ишончимиз комилки, ушбу китоб нафақат ўқувчи ёки талаба-ёшлар, балки хорижий мамлакатлар билан яқиндан танишиш истагида бўлган барча юртдошларимиз учун ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Мутахассис тавсияси

## ИЖОБИЙ ҲИСЛАР ВИРУСДАН ҲИМОЯЛАЙДИ

### ОЛИМЛАР ТУШКУНЛИК КАСАЛЛИККА ЧАЛИНИШ ЭЪТИМОЛИНИ КУЧАЙТИРИШНИ АНИҚЛАШДИ

Бугунги кунда фикрнинг моддийлиги, тана саломатлиги руҳ сиҳатлиги билан чамбарчас боғлиқлиги кўп бора тилга олинмоқда. Ҳаттоки, ҳеч қандай дори-дармонсиз руҳий мувозанатга эришиш орқали саломатликни тикловчи тизимлар мавжуд. Ҳақиқатан ҳам, саломатликни сақлашда кўнгил хотиржамлигининг ўрни катта.

Буоқ аждодимиз Абу Али ибн Синонинг “Ваҳиманинг ўзи ярим касаллик, хотиржамлик ярим соғлиқ”, деган гапларида айнан шу жайл назарда тутилган. Айни кунда коронавирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида жорий этилган карантин шароитида ҳам биздан ваҳимага тушмаслик, хотиржамликни сақлаш талаб этилмоқда. Ҳатто вирус ёмон кайфиятдаги одамга тезроқ юқиши исботланган.

Агар сиз कोरोनाвирус пандемияси сабабли тушкунликка тушсангиз, билингни, унинг тарқалишига туртки беришингиз эҳтиомдан холи эмас. Кўнглингиздан фақат яхши ҳисларга ўрин берсангиз, режадан ташқари таътилни уйингизда, оилангиз бағрида хурсандлик билан ўтказсангиз, унинг чекинишига ҳисса қўшасиз. Қандай қилиб, дейсизми? Ментал генетика бўйича

мутахассис Елена Шарафутдинова куйида бунга тушунтириб беради:

— Олимларнинг аниқлашича, бошқа вируслар сингари COVID-19 инфекциясининг ҳам электромагнит контури ёпиқ тузилишга эга, резонанс частотаси тахминан 5,5–14,5 Гц.га тенг бўлган паст вибрацияли организмда намоён бўлади. Юқори диапазонда эса мавжуд бўлишга қарамай, нофаол. 25,5 Гц. ва ундан юқори диапазонда у ҳалок бўлади. Бунга халқона тушунтирсак, хафа ва тушкун одамнинг организми паст вибрацияли ҳисобланади ва унга вирус юқиш эҳтимоли ошади. Юқори вибрацияларда, яъни доим хуш кайфиятда юрвчи инсон учун инфекция хавфи эмас.

Вирус табиатда, яъни инсон танасидан ташқарида ҳам узоқ яшамайди. Сабаби, Ернинг

ўртача частота резонанси 27,4 Гц.ни ташкил этади. Бирок частота пасайган ўринлар мавжуд. Бундай геопатоген худудларга шифохона, қамқона каби “аураси ёмон” жойларни киритиш мумкин. Шунча ҳимоя воситаларига қарамай, шифокорларнинг коронавирусни юқтириб олаётганига ҳам бундай худудларда вируснинг яшовчанлиги, юқувчанлигини мисол қилиб келтириш мумкин.

Эътиборлиси, биз ўз вибрация майдонимизни назорат қилиш имконига эгамиз. Бу орқали ўзимизни вирусдан ҳимоя қилишимиз мумкин. Салбий ҳиссиётлар паст диапазонни келтириб чиқаради. Масалан, негатив ҳиссиётлар таъсирида куйидагича вибрация кўрсаткичлари ҳосил бўлади: қайғу — 0,1-2 Гц., кўрқув — 0,2-2,2 Гц., хафачилик — 0,6-3,3 Гц., ғазаб — 0,9-3,8 Гц., нафрат — 0,6-1,9 Гц., жаҳл — 0,9 Гц., қаҳр — 0,5 Гц., алам — 1,4 Гц., такабурлик — 0,8 Гц., менсимаслик — 1,5 Гц., манманлик — 1,9 Гц.

Хайри, эзгу ҳолат ва ижобий ҳиссиётлар эса юқори диапазондаги вибрацияни ҳосил қилади. Олижаноблик ва муруват — 95 Гц., миннатдорлик — 45 Гц., кўнгил хотиржамлиги — 140 Гц., меҳр ва дўстлик — 154 Гц., ҳамдардлик — 150 Гц., муҳаббат — 205 Гц. ва ундан юқори шаклда намоён бўлади.

Биз онгу шууримиздан фақат яхши фикрларни ўтказиб, ёмон хаёлларни ҳайдаб, кўнглимиздан фақат эзгу ҳисларга жой берсак, атрофга меҳр-муҳаббат билан қараб, шукроналикни ҳис қилсак, ўз-ўзидан атрофимизда бизни турли вируслардан ҳимояловчи ижобий диапазондаги вибрация ҳосил бўлади. Салбий ҳислар эса касалликка чалиниш эҳтимолини оширади. Шундай экан, асло тушкунликка тушман!

Санобар ЖУМАНОВА  
ёзиб олди.